# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • WWW.XS.UZ • E-mail: Info@xs.uz • 2019 йил 7 февраль, № 26 (7256) Пайшанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.


## ИҚТИСОДИЁТ ТАРМОҚЛАРИ ВА ҲУДУДЛАРДА ЭКСПОРТ ҲАЖМИНИ ОШИРИШ ВАЗИФАЛАРИ БЕЛГИЛАБ БЕРИЛДИ

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида 6 февраль куни иқтисодиёт тармоқлари ва ҳудудларда экспорт ҳажмини ошириш борасидаги энг муҳим вазифаларга бағишланган видеоселектор йиғилиши бўлиб ўтди.**

Унда Бош вазир ва унинг ўринбосарлари, вазирлик ва идоралар раҳбарлари, видеоконференцалоқа орқали Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар раҳбарияти, йирик компаниялар вакиллари, элчилар иштирок этди.

Экспорт — иқтисодиёт барқарорлигининг асосий омили. Валюта захираларини кўпайтиришнинг ягона йўли ҳам экспорт ҳажмини кескин оширишдир.

Мамлакатимизда экспорт фаолиятини енгиллаштириш ва қўллаб-қувватлаш борасида кўрилаётган чоралар натижасида ўтган йили экспорт ҳажми 14 миллиард 258 миллион долларни ташкил этиб, 13,6 фоиз ўсган.

Кейинги икки йилда экспорт географияси 50 та давлатга кенгайиб, 140 тага етган. Экспортга 120 та янги турдаги маҳсулот чиқарилган. Экспорт таркибида тайёр маҳсулотлар улуши 56 фоизни ташкил этиб, ҳудудий саноат экспорти қарийб 1,7 баробар ўсган. Бироқ шунга қарамай, ҳали ҳам мамлакатимизнинг экспорт салоҳиятидан тўлиқ фойдаланилмаяпти.

Йиғилишда Президентимиз экспортбоп маҳсулотлар таркибини диверсификация қилиш, экспортда хом ашё бўлмаган маҳсулотлар улушини камида 60 фоизга етказиш зарурлигини таъкидлади. Шу мақсадда Ўзбекистон Республикасининг 2019 — 2025 йилларга мўлжалланган миллий экспорт стратегиясини ишлаб чиқиш бўйича топшириқ берди.

Мазкур стратегия экспортёрларга кўрсатилаётган давлат хизматларини тўлиқ электрон шаклга ўтказиш, уларни молиявий қўллаб-қувватлаш, мамлакатимизни "Doing Business" рейтингида "ташқи савдо" кўрсаткичи бўйича юқори 50 та давлат қаторига киритиш масалаларини қамраб олади. Хориж тажрибасидан келиб чиқиб, экспорт қилувчилар фаолиятини мувофиқлаштириш, уларга ҳар томонлама кўмаклашиш мақсадида Ўзбекистон экспортёрлар ассамблеяси ташкил этилади.

Видеоселектор йиғилишида экспортни кўпайтиришда йўл қўйилган камчиликларни бартараф этиш, бу борадаги ишларни жонлантириш масалалари муҳокама қилинди.

Ўтган йили ҳудудий экспорт прогнози бажарилмагани, айниқса, Қашқадарё, Сурхондарё, Самарқанд, Жиззах, Наманган вилоятлари ва Тошкент шаҳрида бу борада сусткашликка йўл қўйилгани қайд этилди. Ҳудудий мева-сабзавот экспорти прогноздан анча кам бўлгани, бирорта ҳудудда бу борадаги режа бажарилмагани танқид қилинди.

Албатта, экспорт жаҳон бозоридаги конъюнктурага ҳам боғлиқ. Хорижий экспертлар жорий йилда ҳам асосий хом ашё маҳсулотларининг жаҳон бозоридаги нархлари паст бўлишини прогноз қилмоқда. Шу боис 2019 йилги экспорт прогнози ўтган йилдагига нисбатан 30 фоизга кўп этиб белгиланди.

Давлатимиз раҳбари экспорт прогнозини таъминлашни аниқ ҳисоб-китоб асосида ташкил этиш, бу борада янги тизимни йўлга қўйишни таклиф қилди. Унга мувофиқ, аввало, Республика экспорт штаби фаолияти тубдан такомиллаштирилади. Штаб вакиллари Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларга бириктирилади.

Шунингдек, Бош вазир ўринбосарлари ва маслаҳатчилари ўзлари мутасаддилик қиладиган вазирлик ва идоралар ҳамда хўжалик бирлашмалари томонидан экспорт прогнози бажарилиши учун шахсан жавобгар этиб белгиланади.

Республика экспорт штаби, Бош вазир ўринбосари ҳамда Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги тармоқлар ва ҳудудлар бўйича ўн кунлик экспорт жадвалларини ишлаб чиқиб, тузилган экспорт шартномаларини сўзсиз бажариш ҳамда қўшимча келишувлар имзолаш чораларини кўради.

Иккинчидан, ҳар бир вилоят, туман ва шаҳарда экспорт бўйича доимий ишлайдиган штаблар ташкил этилади. Улар масъуллигида экспортбоп маҳсулотлар экиш, хўжаликларни сифатли уруғ ва кўчат билан таъминлаш, ҳосилни нест-нобуд қилмасдан йиғиб олиш, саралаш, қадоқлаш, сақлаш ва қайта ишлаш, маҳсулотларни ташқи бозорга чиқаришгача бўлган яхлит тизим йўлга қўйилади. Шунингдек, ушбу штаблар ички ва ташқи логистика, сертификация масалаларига, кичик бизнес субъектларининг экспортини кўпайтириш, керак бўлса, айланма маблағлар учун кредитлар ажратилишига кўмаклашади.

Ушбу вазифалардан келиб чиқиб, ҳар бир вилоят, туман ва шаҳар штаблари таркибига иқтисодиёт, қишлоқ хўжалиги, транспорт, энергетика, божхона, стандартлаштириш, карантин бўйича республика идоралари, шунингдек, Савдо-саноат палатасининг жойлардаги бошқарма ва бўлимлари ҳамда тижорат банкларидан вакиллар киритилади.

Йиғилишда ҳудуддаги штаблар экспортёрлар билан доимий равишда ишлаши, муаммоларини тезда ҳал қилиб боришлари зарурлиги таъкидланди. Амалга оширилаётган ишлар натижалари онлайн маълумотлар базасига киритилиб, назорат қилиб борилади.

Учинчидан, вазирлар ва хўжалик бирлашмалари раҳбарлари ўз йўналишидаги корхоналар бўйича экспорт прогнози бажарилиши учун жавобгар бўлади.

Мисол учун, "Ўзтўқимачиликсаноат" уюшмаси кластерларда пахта хом ашёсини етиштиришдан тортиб, уни чуқур қайта ишлашга, республика бўйича барча тўқимачилик маҳсулотлари экспортига масъул бўлади.

Шу боис тармоқларда замонавий технологияларни жалб этган ҳолда, юқори қўшимча қийматли товарлар ишлаб чиқаришни кўпайтириш зарурлиги таъкидланди.

Тўртинчидан, Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги Экспортни қўллаб-қувватлаш миллий тизимини самарали ишга солиб, корхоналарга ташқи бозорга чиқишга кўмаклашади, уларни молиявий қўллаб-қувватлаш ва суғурталаш чораларини кўради. Ушбу тизим фаолияти экспорт штаблари билан ҳамкорликда йўлга қўйилиши, энг муҳими, корхоналар бу тизим самарасини сезиши лозимлиги қайд этилди.

Бешинчидан, экспортни таъминлашда барча вазирлик ва идоралар бевосита қатнашади. Жумладан, Ташқи ишлар, Инвестициялар ва ташқи савдо вазирликлари элчилар билан биргаликда хорижий давлатлардаги бозор талаблари ва буюртмачиларни аниқлаб, экспорт штабларига мунтазам тақдим этиб боради.

Ҳудудларга бириктирилган элчилар ҳокимликларга ташқи бозорда харидор топиш ҳамда маҳаллий корхоналарни хорижий давлатлардаги кўргазмаларга юборишга кўмаклашади.

Олтинчидан, транспорт ва логистика хизматларини яхшилашга катта эътибор қаратилади.

Маълумки, бу борада 20 дан ортиқ халқаро транспорт коридори ва йўналишлари йўлга қўйилган, автомобилда халқаро юк ташиш бўйича 30 давлат билан ҳамкорлик ўрнатилган. Лекин логистика ва йўл инфратузилмаси, чегара божхона пунктлари қуввати ўсиб бораётган транзит талабларига тўла жавоб бермаяпти.

Мутасаддиларга логистика марказлари ва йўлбўйи инфратузилмасини янада ривожлантириш, чегара-божхона пунктларининг техник ҳолати ва ўтказувчанлик қобилиятини яхшилаш, транспорт воситалари ва юкларни расмийлаштиришда ахборот технологияларини кенг жорий қилиш юзасидан топшириқлар берилди.

Самолётда йўловчи ва юк ташиш учун тариф сиёсатини оптималлаштириш, хусусий операторларга вагонлар паркини ташкил этишда кўмаклашиш, транзит давлатлардан чегирмалар олиш ва экспортёрларга татбиқ этиш вазифалари қўйилди.

Еттинчидан, экспорт товарларини стандартлаштириш ва сертификатлаш талаб даражасида эмаслиги, аксарият стандартлар жаҳон андозаларига мос келмаслиги уларни экспорт қилишда жиддий қийинчиликлар туғдирмоқда. Шу боис "Ўзстандарт" агентлигига манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда сертификатлаш ва стандартлаштириш бўйича мавжуд камчиликларни бартараф этиш топширилди.

Йиғилишда мева-сабзавот маҳсулотларини экспорт қилишни самарали ташкил этиш масалалари ҳам муҳокама қилинди. Шу йўналишга ихтисослаштирилган 67 та туманда экинларни оптимал жойлаштириш, етиштирилган мева-сабзавотларнинг камида 25 фоизини экспортга йўналтириш зарурлиги таъкидланди.

Мазкур туманларда мева-сабзавотчилик кластерлари ташкил этиш, шундай маҳсулотларни қайта ишлайдиган замонавий корхоналарни кўпайтириш юзасидан тавсиялар берилди.

Ҳамма аниқ билиши керак. Экспортбоп сифатли мева-сабзавотлар етиштирилмаса ва хорижга йил давомида етказиб берилмаса, экспортни кескин ошириб бўлмайди, деди Шавкат Мирзиёев.

Мева-сабзавот маҳсулотлари экспортёрларига енгиллик яратиш мақсадида Қозоғистон, Қирғизистон, Беларусь ва Болтиқбўйи давлатлари билан "яшил йўлак" тизимини жорий қилиш, карантин хизматларидан белгиланган тартибда рухсатнома олиш орқали Хитой, Жанубий Корея, Япония, Ҳиндистон, АҚШ ва Европа бозорига кириш бўйича кўрсатмалар берилди.

Йиғилишда яна бир долзарб вазифа — хизматлар экспортини кенгайтириш, айниқса, туризмни ривожлантириш истиқболлари ҳақида ҳам сўз юритилди.

Макроиқтисодий барқарорлик кўп жиҳатдан импортни тартибга солишга ҳам боғлиқ экани таъкидланиб, импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кўпайтириш, импортнинг тариф ва нотариф бошқарув сиёсатини такомиллаштириш масалаларига эътибор қаратилди.

Видеоселектор йиғилишида муҳокама қилинган масалалар юзасидан мутасадди раҳбарларнинг ҳисоботи эшитилди.

**ЎзА.**

Ўзбекистон Республикасининг
ҚОНУНИ

## Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари тўғрисида

Қонунчилик палатаси томонидан 2018 йил 22 ноябрда қабул қилинган
Сенат томонидан 2018 йил 13 декабрда маъқулланган

**1-боб. Умумий қоидалар**

**1-модда. Ушбу Қонуннинг мақсади**

Ушбу Қонуннинг мақсади Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларини тузиш, бажариш, уларнинг амал қилишини тўхтатиб туриш ва уларни тугатиш соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборат.

**2-модда. Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари тўғрисидаги қонун ҳужжатлари**

Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ушбу Қонун ва бошқа қонун ҳужжатларидан иборатдир.

Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари халқаро ҳуқуқнинг умум эътироф этилган принциплари ва нормаларига, Ўзбекистон Республикаси Конституциясига, шунингдек ушбу Қонунга ҳамда халқаро шартномаларнинг ўз қоидаларига мувофиқ тузилади, бажарилади, тугатилади ва уларнинг амал қилиши тўхтатиб турилади.

Агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларида назарда тутилганидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаси қоидалари қўлланилади.

**3-модда. Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари Ўзбекистон Республикаси ҳуқуқий тизимида**

Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари халқаро ҳуқуқнинг умум эътироф этилган принциплари ва нормалари билан бир қаторда Ўзбекистон Республикаси ҳуқуқий тизимининг таркибий қисмидир.

**4-модда. Асосий тушунчалар**

Ушбу Қонунда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

**аҳдлашувчи томон** – халқаро шартноманинг мустақил томони сифатида иштирок этаётган ҳамда у кучга кирганлигидан ёки кирмаганлигидан қатъи назар, ушбу халқаро шартнома ўзи учун мажбурий эканлигига розилик билдирган давлат (давлатлар), халқаро ташкилот (халқаро ташкилотлар) ва (ёки) халқаро шартномалар тузиш ҳуқуқига эга бўлган бошқа субъект (бошқа субъектлар);

**ваколатлар** – битта шахснинг ёки бир нечта шахснинг Ўзбекистон Республикаси вакили бўлиш ҳуқуқи бўлиб, бу ҳуқуқ Ўзбекистон Республикаси ваколатли органининг (мансабдор шахсининг) қарори асосида амалга оширилади ва музокараларда иштирок этаётган томонга ёки депозитарийга:

музокаралар олиб бориш ва халқаро шартноманинг матнини қабул қилиш ёки унинг аутентиклигини белгилаш;

халқаро шартномани имзолаш;

Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартнома ўзи учун мажбурий эканлигига розилигини билдириш;

халқаро шартномага тааллуқли бошқа ҳаракатни амалга ошириш мақсадида бериладиган ваколатлар тўғрисидаги гувоҳнома билан тегишли тарзда расмийлаштирилади;

**давлат органи** – Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларига мувофиқ халқаро шартномалар тузиш ҳуқуқи берилган Ўзбекистон Республикаси вазирлиги, давлат қўмитаси, шунингдек бошқа органи;

**денонсация** – Ўзбекистон Республикасининг ўзи тузган халқаро шартномани тегишли тарзда расмийлаштирилган ҳолда рад этиши ва Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасини тугатиш усулларидан бири;

**депозитарий** – халқаро шартнома қоидаларига мувофиқ ушбу халқаро шартноманинг асл нусхаси ўзига сақлаш учун топшириладиган ва мазкур халқаро шартномага нисбатан ушбу халқаро шартномада ва халқаро ҳуқуқда назарда тутилган вазифаларни бажарадиган давлат, халқаро ташкилот ёки унинг бош ижрочи мансабдор шахси;

**музокараларда иштирок этаётган томон** – халқаро шартноманинг матнини тузиш ва қабул қилишда иштирок этаётган давлат, халқаро ташкилот ва (ёки) халқаро шартномаларни тузиш ҳуқуқига эга бўлган бошқа субъект;

**ратификация ёрлиғи** – халқаро шартнома Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари томонидан кўриб чиқилганлиги тўғрисида гувоҳлик берувчи ва халқаро шартноманинг Ўзбекистон Республикаси учун мажбурий эканлигига бўлган розиликни ифодаловчи махсус ҳужжат;

**халқаро ташкилот** – ўзининг таъсис ҳужжатига мувофиқ халқаро хусусиятга эга муайян вазифаларни бажариш учун ташкил этилган ва халқаро ҳуқуқнинг субъекти бўлиш ҳуқуқига эга бўлган давлатлараро (ҳукуматлараро) ташкилот;

**(Давоми 2 ва 3-бетларда).**

### Олий Мажлис Қонунчилик палатасида



## ЭНДИ СУДНИНГ ҲАЛ ҚИЛУВ ҚАРОРЛАРИ ИНТЕРНЕТГА ЖОЙЛАШТИРИЛАДИ

*2019 йил 6 февраль куни Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Унда мамлакат ҳаётининг турли соҳаларида амалга оширилаётган ислоҳотларни ҳуқуқий жиҳатдан таъминлашга қаратилган бир қатор қонун лойиҳалари кўриб чиқилди.*

Мажлис аввалида депутатлар "Жаҳон банки ва Халқаро молия корпорациясининг "Doing business" йиллик ҳисоботида Ўзбекистон Республикасининг рейтингини янада яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар қабул қилиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Иқтисодий процессуал кодексига қўшимча ва ўзгартишлар киритиш тўғрисида"ги қонун лойиҳасини атрофлича муҳокама қилдилар.

Президентимизнинг 2018 йил 13 июлдаги тегишли қарори ижросини таъминлаш мақсадида ишлаб чиқилган ушбу лойиҳага биноан иқтисодий ишлар бўйича суд муҳокамаларида ошкораликни таъминлаш мақсадида Иқтисодий процессуал кодексига суднинг қонуний кучга кирган ҳал қилув қарорларини (ёпиқ суд мажлисларида чиқарилган ҳал қилув қарорлари бундан мустасно) тарафларнинг розилиги билан Ўзбекистон Республикаси Олий суди расмий веб-сайтида эълон қилиниши шартлигига доир нормалар киритилмоқда.

Таъкидланганидек, бугунги кунда суд муҳокамаларида ошкоралик уни видеоконференцалоқа режимида ўтказиш, онлайн тарзида ҳам узатиш ҳамда аудио ёки видеоёзувга олиш йўли билан таъминланмоқда. Суд муҳокамаларида очиқлик ва ошкораликни таъминлашдаги кейинги қадам эса суднинг ҳал қилув қарорларини интернет тармоғида, шу жумладан, Олий суднинг расмий веб-сайтида эълон қилиш ҳисобланади.

Шунингдек, мазкур қонун лойиҳаси Иқтисодий процессуал кодексига иқтисодий судлар томонидан даъво суммаси кам миқдорда бўлган низоларни соддалаштирилган тартибда кўриш тўғрисидаги нормалар киритишни ҳам назарда тутади.

➡ 4

### ДУНЁ НИГОҲИ

**The Telegraph:**

## Ўзбекистон — 2019 йилда бориш лозим бўлган 10 ТА МАМЛАКАТДАН БИРИ

*Ўзбекистонда сайёҳлик соҳасида юз бераётган ижобий ўзгаришлар халқаро ҳамжамият ва хорижий оммавий ахборот воситалари томонидан кенг эътироф этилмоқда. Хусусан, Буюк Британиянинг нуфузли "The Telegraph" газетасида эълон қилинган "2019 йилда бориш лозим бўлган 10 та мамлакат" рўйхатида давлатимиз биринчи ўринда келтирилган.*

➡ 5



## «The Jakarta Post» юртимизнинг виза сиёсатини юксак баҳолади

TRAVEL GUIDE by TheJakartaPost

*Машҳур "The Jakarta Post" газетасининг (Индонезия) туризмга бағишланган махсус иловасида Ўзбекистонда сўнгги вақтларда виза сиёсати борасида амалга оширилаётган ўзгаришлар туфайли мамлакатга сайёҳлар оқими жорий йилда камида икки баробар ортади, дея прогноз қилинди.*

Эътироф этилишича, республикада туризм иқтисодиётнинг стратегик йўналиши ва миллий тараққиётнинг муҳим омилларидан бирига айланаётир. Дунёда кўплаб экспорт хом ашёлари ҳамда товарларининг нархлари пасайиб бораётган бир пайтда сайёҳлик соҳасида изчил ўсиш кузатиляпти. Ўзбекистон хорижий туристлар учун қулай шарт-шароитлар яратмоқда.

➡ 5


**«Халқ сўзи» ва «Народное слово» газеталари муштарийлари эътиборига!**

Таҳририятимиз газеталаримизнинг обуначилар манзилига ўз вақтида етказиб берилишидан манфаатдор. Шу мақсадда "Халқ сўзи" ва "Народное слово" муштарийларининг таклиф ва тавсиялари, эътирозу мурожаатларини ўрганиб, мониторинг қилиб, муаммоларни бартараф этиш учун зарур чора-тадбирлар кўришга астойдил бел боғлаганмиз. Бу борада Сиз, азиз ўқувчиларимиз кўмагидан умидвормиз.

«Халқ сўзи» ва «Народное слово» нашрларининг ҳар бир сонини **ўз вақтида оляпсизми?**

Обунани уюштирувчи ва етказиб берувчи ташкилотларнинг хизмати сифатидан **қониқяпсизми?**

*Мазкур масалалар юзасидан эътироз ёки таклифларингиз бўлса, қуйидаги рақамлар орқали таҳририятга мурожаат қилинг.*

Телефон: 71-233-10-60, факс 71-233-10-17. E-mail: info@xs.uz

*Унутманг, биз учун ҳар бир муштарийнинг фикри муҳим!* *Таҳририят.*

www.xs.uz /xalqsuzi.uz @xs_uz
Халқ сўзи
2019 йил 7 февраль

Ўзбекистон Республикасининг
ҚОНУНИ

# Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари тўғрисида

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

**халқаро шартнома иштирокчиси** – халқаро шартноманинг мустақил томони сифатида иштирок этаётган, халқаро шартноманинг ўзи учун мажбурий эканлигига розилик билдирган ва ўзи учун халқаро шартнома кучга кирган давлат, халқаро ташкилот ва (ёки) халқаро шартномалар тузиш ҳуқуқига эга бўлган бошқа субъект;

**Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаси** – битта ҳужжатдан, иккита ёки бир-бири билан боғлиқ бўлган бир нечта ҳужжатдан иборат бўлишидан, шунингдек ўзининг муайян номидан ва тузилиш усулидан (шартнома, битим, конвенция, акт, пакт, баённома, хатлар ёки ноталар алмашинуви ҳамда халқаро шартноманинг бошқача номлари ва тузилиш усулларидан) қатъи назар, Ўзбекистон Республикаси томонидан чет давлат, халқаро ташкилот ёхуд халқаро шартномалар тузиш ҳуқуқига эга бўлган бошқа субъект билан ёзма шаклда тузилган, халқаро ҳуқуқ билан тартибга солинадиган халқаро келишув;

**Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасини имзолаш** – халқаро шартномани тузиш босқичи ёхуд Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартнома ўзи учун мажбурий эканлигига бўлган розилигини, агар халқаро шартномада имзолаш шундай кучга эга эканлиги назарда тутилган бўлса ёки Ўзбекистон Республикасининг ва музокараларда иштирок этаётган бошқа томонларнинг имзолаш шундай кучга эга бўлиши кераклиги ҳақидаги келишуви бошқача тарзда белгиланган бўлса ёки имзолашга шундай куч бериш мақсади музокараларда иштирок этаётган томон вакилининг ваколатларидан келиб чиқса ёхуд музокаралар вақтида билдирилган бўлса, билдириш шакли;

**Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасини тузиш** – халқаро шартноманинг мазмунини шакллантириш, унинг матнини қабул қилиш ва Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартнома ўзи учун мажбурий эканлигига розилигини билдиришга доир тартиб-таомиллар кетма-кетлиги;

**қўшимча шарт** – Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномани имзолаш, ратификация қилиш, тасдиқлаш, қабул қилиш ёки унга қўшилиш чоғида қилинган ҳар қандай таърифдаги ва ҳар қандай номдаги бир томонлама расмий ёзма баёноти бўлиб, у орқали халқаро шартнома муайян қоидаларининг Ўзбекистон Республикасига нисбатан қўлланилиши борасида бу қоидаларни истисно қилиш ёки уларнинг юридик кучини ўзгартириш истаги ифодаланади.

**5-модда. Ўзбекистон Республикаси халқаро шартномасининг тили**

Ўзбекистон Республикасининг давлат тили ва бошқа аҳдлашувчи томоннинг тили Ўзбекистон Республикаси халқаро шартномасининг тилидир.

Бошқа аҳдлашувчи томон билан келишувга кўра ўзга тил Ўзбекистон Республикаси халқаро шартномасининг тили деб танланиши мумкин. Халқаро шартноманинг матни қайси тилда тузилган бўлса, ўша тил мазкур шартноманинг матнида кўрсатилиб, матнда унинг аутентиклиги ва расмийлиги белгиланади.

**6-модда. Чет давлатлар, халқаро ташкилотлар ва халқаро шартномалар тузиш ҳуқуқига эга бўлган бошқа субъектлар билан ўзаро муносабатлар**

Чет давлатлар, халқаро ташкилотлар ва халқаро шартномалар тузиш ҳуқуқига эга бўлган бошқа субъектлар билан Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларини тузиш, уларнинг амал қилишини тўхтатиб туриш ва уларни тугатиш масалалари бўйича ўзаро муносабатлар Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги орқали амалга оширилади.

## 2-боб. Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларини тузиш тартиби

**7-модда. Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларини тузиш ҳуқуқи**

Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларини тузиш ҳуқуқи давлатга тегишлидир.

Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари қуйидагича тузилади:

Ўзбекистон Республикаси номидан – давлатлараро шартномалар;

Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати номидан – ҳукуматлараро шартномалар;

давлат органлари номидан ўз ваколатлари доирасида – идоралараро шартномалар.

**8-модда. Халқаро шартнома лойиҳасини ёки Ўзбекистон Республикасининг кўп томонлама халқаро шартномада иштирок этиши мақсадга мувофиқлиги тўғрисидаги масалани экспертлар даражасида ишлаб чиқишни бошлаш ҳақидаги ташаббус таклифи**

Давлат органлари ўз ваколатига кирадиган масалалар бўйича Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги билан келишган ҳолда халқаро шартнома лойиҳасини ёки Ўзбекистон Республикасининг кўп томонлама халқаро шартномада иштирок этиши мақсадга мувофиқлиги тўғрисидаги масалани экспертлар даражасида ишлаб чиқишни бошлаш ҳақидаги ташаббус таклифи билан чиқиши мумкин.

Айрим ҳолларда, Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигининг таклифига кўра давлат органлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига ёки Ўзбекистон Республикаси Президентига экспертлар даражасида ишлаб чиқишни бошлаш тўғрисида қарор қабул қилиш учун ташаббус таклифи киритиши мумкин.

Ташаббус таклифига қуйидаги материаллар давлат тилида ёки зарур ҳолларда, бошқа тилларга таржима қилинган ҳолда илова қилинади:

халқаро шартноманинг дастлабки лойиҳаси ёки Ўзбекистон Республикаси иштирокчиси бўлишни мақсад қилган кўп томонлама халқаро шартноманинг матни ёхуд уларнинг асосий қоидалари;

халқаро шартноманинг лойиҳасига ёки кўп томонлама халқаро шартномага қўшимча ҳужжатлар;

ушбу Қонуннинг 9-моддаси талабларига мос бўлган тушунтириш хати.

**9-модда. Халқаро шартнома лойиҳасига ёки Ўзбекистон Республикасининг кўп томонлама халқаро шартномада иштирок этиши мақсадга мувофиқлиги тўғрисидаги масалага доир тушунтириш хати**

Халқаро шартнома лойиҳасига ёки Ўзбекистон Республикасининг кўп томонлама халқаро шартномада иштирок этиши мақсадга мувофиқлиги тўғрисидаги масалага доир тушунтириш хатида қуйидагилар бўлиши керак:

Ўзбекистон Республикаси учун халқаро шартномани тузиш мақсадга мувофиқлигининг ва амалий аҳамиятининг асосланиши, шу жумладан унинг тузилишидан кутилаётган натижалар тўғрисидаги батафсил ахборот ҳамда халқаро шартнома тузиш орқали тартибга солиш талаб этиладиган масалалар ҳақидаги маълумотлар;

халқаро шартнома тузилиши муносабати билан қабул қилиниши, ўзгартирилиши, қўшимча киритилиши ва (ёки) ўз кучини йўқотган деб топилиши лозим бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисидаги ахборот;

зарур ҳолларда, халқаро шартнома тузиш натижасида келиб чиқиши мумкин бўлган молиявий-иқтисодий оқибатларнинг ёки бошқа оқибатларнинг баҳоланиши.

Тушунтириш хати халқаро шартнома билан тартибга солинадиган масалалар ўз ваколатига кирадиган давлат органи томонидан тайёрланади ва ушбу орган раҳбари томонидан (унинг йўқлигида – биринчи ўринбосари томонидан) имзоланади.

**10-модда. Халқаро шартнома лойиҳасини ёки Ўзбекистон Республикасининг кўп томонлама халқаро шартномада иштирок этиши мақсадга мувофиқлиги тўғрисидаги масалани экспертлар даражасида ишлаб чиқиш**

Экспертлар даражасида ишлаб чиқиш халқаро шартнома билан тартибга солинадиган масалалар ўз ваколатига кирадиган давлат органи томонидан манфаатдор давлат органлари, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги билан биргаликда амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги халқаро шартнома лойиҳасини ёки Ўзбекистон Республикаси иштирокчиси бўлишни мақсад қилган кўп томонлама халқаро шартнома матнини Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқлиги борасида ҳуқуқий экспертизадан ўтказади.

Зарур ҳолларда, экспертлар даражасида ишлаб чиқиш давомида халқаро шартнома лойиҳасини тузиш ва кўриб чиқиш ёки Ўзбекистон Республикасининг кўп томонлама халқаро шартномада иштирок этиши мақсадга мувофиқлиги тўғрисидаги масалани муҳокама қилиш учун манфаатдор давлат органларининг вакиллари, мутахассислар ҳамда мустақил экспертлардан иборат бўлган идоралараро ишчи гуруҳ тузилиши мумкин.

Агар халқаро шартнома билан тартибга солинадиган масалалар икки ёки ундан ортиқ давлат органларининг ваколатига кирса, барча таклифларни умумлаштириш, халқаро шартнома лойиҳасини маромига етказиш ва унинг давлат тилидаги ёки зарур бўлган ҳолларда, бошқа тилдаги матнини тайёрлаш, шунингдек Ўзбекистон Республикасининг кўп томонлама халқаро шартномада иштирок этиши мақсадга мувофиқлиги тўғрисидаги масалани экспертлар даражасида ишлаб чиқиш Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигининг таклифига биноан Ўзбекистон Республикаси Президенти ёки Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланадиган давлат органининг зиммасига юклатилади.

Экспертлар даражасида ишлаб чиқиш якунларига кўра халқаро шартнома лойиҳаси ёки Ўзбекистон Республикаси иштирокчиси бўлишни мақсад қилган кўп томонлама халқаро шартнома матни ушбу Қонуннинг 11-моддасида назарда тутилган тартибда ҳуқуқий экспертиза ўтказиш учун Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигига киритилади.

Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги томонидан ҳуқуқий экспертиза ўтказилганидан сўнг халқаро шартнома лойиҳаси ёки Ўзбекистон Республикасининг кўп томонлама халқаро шартномада иштирок этиши мақсадга мувофиқлиги тўғрисидаги масала ушбу Қонуннинг 13-моддасида белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Президентига ёки Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритилади.

Чет эл томони билан халқаро шартнома лойиҳасининг ёки кўп томонлама халқаро шартномада Ўзбекистон Республикасининг иштирок этиши тўғрисидаги масаланинг кейинги ишлаб чиқилиши Ўзбекистон Республикаси Президентининг ёки Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ижобий қарори олинганидан сўнг амалга оширилади.

Халқаро шартнома билан тартибга солинадиган масалалар ўз ваколатига кирадиган давлат органининг раҳбари халқаро шартнома лойиҳасини тайёрлаш ёки Ўзбекистон Республикасининг кўп томонлама халқаро шартномада иштирок этиши масаласини экспертлар даражасида ишлаб чиқишнинг бутун жараёни учун жавобгар бўлади.

**11-модда. Халқаро шартнома лойиҳасининг ёки Ўзбекистон Республикаси иштирокчиси бўлишни мақсад қилган кўп томонлама халқаро шартнома матнининг ҳуқуқий экспертизаси**

Халқаро шартноманинг лойиҳаси ёки Ўзбекистон Республикаси иштирокчиси бўлишни мақсад қилган кўп томонлама халқаро шартноманинг матни экспертлар даражасида ишлаб чиқилганидан сўнг Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигида мажбурий ҳуқуқий экспертизадан ўтказилиши лозим.

Ҳуқуқий экспертиза чоғида халқаро шартнома лойиҳасининг ёки Ўзбекистон Республикаси иштирокчиси бўлишни мақсад қилган кўп томонлама халқаро шартнома матнининг:

халқаро ҳуқуқнинг умум эътироф этилган принциплари ва нормаларига;

Ўзбекистон Республикасининг бошқа халқаро шартномаларидан келиб чиқадиган халқаро мажбуриятларга;

Ўзбекистон Республикасининг ташқи сиёсий фаолият соҳасидаги қонун ҳужжатларига;

юридик техника талабларига ва Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларини расмийлаштириш амалиётига мувофиқлиги текширилади.

Ҳуқуқий экспертиза ўтказиш учун Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигига қуйидагилар киритилади:

давлат тилидаги ёки зарур ҳолларда, бошқа тилдаги халқаро шартнома лойиҳаси ёки Ўзбекистон Республикаси иштирокчиси бўлишни мақсад қилган кўп томонлама халқаро шартнома матни;

ушбу Қонуннинг 9-моддаси талабларига мос бўлган тушунтириш хати;

манфаатдор давлат органлари билан экспертлар даражасида ишлаб чиқиш натижалари тўғрисидаги маълумотлар, шу жумладан Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг ҳуқуқий экспертизаси натижалари қиёсий жадвал тарзида.

Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги кўриб чиқилаётган масала мавзусига оид бошқа зарур материалларни талаб қилиб олишга ҳақли.

**12-модда. Халқаро шартнома лойиҳасининг ёки Ўзбекистон Республикаси иштирокчиси бўлишни мақсад қилган кўп томонлама халқаро шартнома матнининг бошқа турдаги экспертизаси**

Халқаро шартнома лойиҳаси ёки Ўзбекистон Республикаси иштирокчиси бўлишни мақсад қилган кўп томонлама халқаро шартнома матни иқтисодий, молиявий, илмий, экологик, лингвистик, шунингдек бошқа турдаги экспертизадан ўтказилиши мумкин.

Экспертлар даражасида ишлаб чиқишда бевосита иштирок этмаган ташкилотлар ва (ёки) шахслар экспертлар сифатида жалб қилиниши мумкин.

Экспертларнинг хулосалари тавсия хусусиятига эга бўлади ва халқаро шартнома билан тартибга солинадиган масалалар ўз ваколатига кирадиган давлат органи томонидан кўриб чиқилиши лозим.

Бошқа турдаги экспертиза ўтказиш тўғрисидаги қарор халқаро шартнома билан тартибга солинадиган масалалар ўз ваколатига кирадиган давлат органи томонидан ўз ташаббусига кўра ёки Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигининг таклифига биноан қабул қилинади.

**13-модда. Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасини тузиш тўғрисидаги таклиф**

Ўзбекистон Республикаси номидан халқаро шартнома тузиш тўғрисидаги таклиф Ўзбекистон Республикаси Президентига Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги томонидан киритилади. Бошқа давлат органлари ўз ваколатига кирадиган масалалар бўйича Ўзбекистон Республикаси номидан халқаро шартнома тузиш ҳақидаги таклифни Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги билан бирга ёки у билан келишган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Президентига тақдим этади.

Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати номидан Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасини тузиш тўғрисидаги таклиф Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги томонидан киритилади. Бошқа давлат органлари ўз ваколатига кирадиган масалалар бўйича Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати номидан Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасини тузиш тўғрисидаги таклифни Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги билан бирга ёки у билан келишган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритади.

Ўзбекистон Республикасининг идоралараро шартномасини тузиш тўғрисидаги таклиф Ўзбекистон Республикаси Президентига ёки Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига ушбу шартнома билан тартибга солинадиган масалалар ўз ваколатига кирадиган давлат органи томонидан киритилади.

Халқаро шартномани тузиш тўғрисидаги таклифга қуйидагилар илова қилинади:

халқаро шартнома лойиҳаси ёки Ўзбекистон Республикаси иштирокчиси бўлишни мақсад қилган кўп томонлама халқаро шартнома матни ёки уларнинг асосий қоидалари;

ушбу Қонуннинг 9-моддаси талабларига мос бўлган тушунтириш хати;

тегишли давлат органларининг хулосалари;

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг ва Ташқи ишлар вазирлигининг ўзлари ўтказган ҳуқуқий экспертиза натижаларига доир хулосалари.

**14-модда. Музокаралар олиб бориш ва Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларини имзолаш тўғрисидаги қарорлар**

Музокаралар олиб бориш ва Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларини имзолаш тўғрисидаги қарорлар, агар Ўзбекистон Республикасининг бошқа қонун ҳужжатларида ўзгача қоида назарда тутилмаган бўлса:

Ўзбекистон Республикаси номидан тузиладиган шартномаларга нисбатан – Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан;

Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати номидан тузиладиган шартномаларга нисбатан – Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан;

Ўзбекистон Республикасининг идоралараро шартномаларига нисбатан – Ўзбекистон Республикаси Президенти ёки Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси билан келишилган ҳолда, ушбу шартномалар билан тартибга солинадиган масалалар ўз ваколатига кирадиган давлат органлари раҳбарлари томонидан қабул қилинади.

**15-модда. Музокаралар олиб бориш ва Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларини имзолаш ваколатлари тўғрисидаги гувоҳнома**

Музокаралар олиб бориш ва халқаро шартномаларни имзолаш ваколатлари ушбу Қонуннинг 14-моддасига мувофиқ қабул қилинган қарорлар асосида Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазири томонидан ваколатлар тўғрисидаги гувоҳномани расмийлаштириш орқали тасдиқланади.

Ваколатлар тўғрисидаги гувоҳноманинг шакли Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги томонидан тасдиқланади.

**16-модда. Ваколатларни кўрсатиш заруратисиз музокаралар олиб бориш ва Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларини имзолаш**

Ўзбекистон Республикасининг Президенти давлат раҳбари сифатида халқаро муносабатларда Ўзбекистон Республикаси номидан иш кўради ҳамда халқаро ҳуқуққа ва Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига мувофиқ ваколатларини кўрсатиш заруратисиз музокаралар олиб боради ҳамда Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларини имзолайди.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазири халқаро муносабатларда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси номидан иш кўради, ваколатларини кўрсатиш заруратисиз музокаралар олиб боради ва Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати номидан халқаро шартномаларни имзолайди.

Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазири ўз вазифаларига кўра ва халқаро ҳуқуққа мувофиқ ваколатларини кўрсатиш заруратисиз музокаралар олиб боришга ҳамда Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларини имзолашга ҳақли.

Ўзбекистон Республикасининг чет давлатдаги дипломатик ваколатхонаси бошлиғи ёки Ўзбекистон Республикасининг халқаро ташкилот ёки конференция қошидаги ваколатхонаси бошлиғи халқаро шартнома матнини қабул қилиш мақсадида дипломатик ваколатхона жойлашган давлат билан ёки мазкур халқаро ташкилот, конференция доирасида ваколатларини кўрсатиш заруратисиз музокаралар олиб боришга ҳақли.

Давлат органининг раҳбари ўз ваколати доирасида ваколатларини кўрсатиш заруратисиз музокаралар олиб боришга ва идоралараро шартномаларни имзолашга ҳақли.

**17-модда. Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартнома ўзи учун мажбурий эканлигига розилигини билдириш**

Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартнома ўзи учун мажбурий эканлигига розилиги халқаро шартномани имзолаш, ноталар, хатлар ёки халқаро шартномани ташкил этувчи бошқа ҳужжатлар алмашиш, халқаро шартномани ратификация қилиш, тасдиқлаш, қабул қилиш, унга қўшилиш орқали ёки аҳдлашувчи томонлар келишиб олган бошқа ҳар қандай усулда билдирилиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги ушбу Қонун талабларини ҳисобга олган ва халқаро шартнома қоидаларидан келиб чиққан ҳолда Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартнома ўзи учун мажбурий эканлигига розилигини билдириш усулини аниқлайди.

**18-модда. Ратификация қилинадиган халқаро шартномалар**

Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига мувофиқ халқаро шартномани ратификация қилиш Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари томонидан халқаро шартномани ратификация қилиш тўғрисида қонун қабул қилиш орқали амалга оширилади.

Қуйидаги халқаро шартномалар ратификация қилинади:

давлатлараро муносабатларнинг асослари ҳақидаги ва ўзаро ҳуқуқий ёрдам тўғрисидаги;

Ўзбекистон Республикасининг мудофаа қобилиятига дахлдор масалалар бўйича, тинчлик шартномалари ва коллектив хавфсизлик тўғрисидаги шартномалар;

Ўзбекистон Республикасининг бошқа давлатлар билан ҳудудий чегараланиши тўғрисидаги;

Ўзбекистон Республикасининг давлатлараро иттифоқлардаги, халқаро ташкилотлардаги ва бошқа бирлашмалардаги иштироки тўғрисидаги;

бажарилиши Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунлари ўзгартирилишини ёки янги қонунлар қабул қилинишини талаб этадиган, шунингдек Ўзбекистон Республикаси қонунларида назарда тутилганидан бошқача қоидаларни белгилайдиган бўлса.

Қайси халқаро шартномаларни тузиш чоғида музокараларда иштирок этувчи томонлар келгусида уларни ратификация қилиш тўғрисида келишиб олган бўлса, ўша халқаро шартномалар худди шундай тарзда ратификация қилинади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари бошқа халқаро шартномаларни ҳам ратификация қилишга ҳақли.

Давлатнинг хориждан маблағ жалб қилиши тўғрисидаги халқаро шартномалар, шунингдек халқаро кафолат шартномалари ратификация қилинмайди ва Ўзбекистон Республикаси учун аҳдлашувчи томонлар белгилайдиган тартибда кучга киради.

**19-модда. Ўзбекистон Республикаси томонидан халқаро шартномаларни ратификация қилиш тўғрисидаги таклифлар**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорларига мувофиқ имзоланган халқаро шартномаларни ратификация қилиш тўғрисидаги таклифлар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан киритилади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорларига мувофиқ имзоланган халқаро шартномаларни ратификация қилиш тўғрисидаги таклифлар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан киритилади.

Халқаро шартномаларни ратификация қилиш тўғрисидаги таклифлар Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги томонидан мустақил равишда ёки, агар шартнома бошқа давлат органларининг ваколатига кирадиган масалаларга дахлдор бўлса, улар билан келишилган ҳолда тегишинча Ўзбекистон Республикаси Президентига ёки Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритилади.

**20-модда. Ратификация ёрлиғи**

Халқаро шартномани ратификация қилиш тўғрисидаги қонунга асосан ратификация ёрлиғи Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан имзоланади, унинг муҳри ва Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазирининг имзоси билан тасдиқланади.

Ратификация ёрлиғининг шакли Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги томонидан тасдиқланади.

**21-модда. Ратификация ёрлиқларини алмашиш ва уларни сақлаш учун топшириш**

Ратификация ёрлиқларини алмашиш ёки Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасини ратификация қилиш тўғрисидаги ёрлиқларни сақлаш учун депозитарийга топшириш Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги томонидан ёхуд унинг топшириғига биноан Ўзбекистон Республикасининг чет давлатдаги дипломатик ваколатхонаси, консуллик муассасаси ёки Ўзбекистон Республикасининг халқаро ташкилот ҳузуридаги ваколатхонаси томонидан амалга оширилади.

**22-модда. Ратификация қилинмайдиган халқаро шартномаларни тасдиқлаш ва қабул қилиш**

Ратификация қилинмайдиган, лекин кучга кириши учун зарур бўлган давлат ички тартиб-таомиллари ўтказилиши назарда тутиладиган халқаро шартномаларни тасдиқлаш ва қабул қилиш:

Ўзбекистон Республикаси номидан ёки Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати номидан тузиладиган халқаро шартномаларга нисбатан – Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан;

идоралараро шартномаларга нисбатан – ўз номидан бундай шартномалар имзоланган давлат органлари томонидан амалга оширилади.

**23-модда. Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларга қўшилиши**

Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларга қўшилиши тўғрисидаги қарор:

ратификация қилинадиган шартномаларга нисбатан – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан;

қайси шартномалар ратификация қилинмаса ва уларга қўшилиш Ўзбекистон Республикаси номидан ёки Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати номидан амалга оширилса, ўша шартномаларга нисбатан – Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан;

идоралараро шартномаларга нисбатан – Ўзбекистон Республикаси Президенти ёки Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан қабул қилинади.

**24-модда. Ўзбекистон Республикаси томонидан халқаро шартноманинг ёки унинг қисмининг вақтинча қўлланилиши**

Агар халқаро шартномада халқаро шартнома ёки халқаро шартноманинг бир қисми у кучга киргунига қадар Ўзбекистон Республикаси томонидан вақтинча қўлланилиши мумкинлиги назарда тутилган бўлса ёки аҳдлашувчи томонлар ўртасида бу ҳақда келишувга эришилган бўлса, ушбу халқаро шартнома ёки унинг бир қисми Ўзбекистон Республикаси томонидан вақтинча қўлланилиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси томонидан халқаро шартномани ёки унинг бир қисмини вақтинча қўллаш тўғрисидаги ёхуд вақтинча қўллашни тугатиш ҳақидаги қарор халқаро шартномани имзолаш ҳақида қарор қабул қилган орган (мансабдор шахс) томонидан қабул қилинади.

**25-модда. Халқаро шартномаларнинг кучга кириши**

Халқаро шартномалар Ўзбекистон Республикаси учун ушбу Қонунга мувофиқ ҳамда халқаро шартномада назарда тутилган ёки аҳдлашувчи томонлар ўртасида келишилган тартибда ва муддатларда Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартнома ўзи учун мажбурий эканлигига розилиги билдирилганидан сўнг кучга киради.

**26-модда. Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларига доир қўшимча шартлар**

Халқаро шартномаларни имзолаш, ратификация қилиш, тасдиқлаш, қабул қилиш ёки уларга қўшилиш чоғида шартнома шартларига ва халқаро ҳуқуқ нормаларига риоя этилган ҳолда қўшимча шартлар қўйилиши мумкин.

Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларига доир қўшимча шартлар қандай тартибда қўйилган бўлса, худди шундай тартибда исталган вақтда олиб ташланиши мумкин.

Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасига бошқа аҳдлашувчи томон қўйган қўшимча шартни қабул қилиш ёки унга қарши эътироз билдириш халқаро шартноманинг ўзидаги шартларга ва халқаро ҳуқуқ нормаларига мувофиқ Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартнома ўзи учун мажбурий эканлигига розилиги тўғрисида қарор қабул қиладиган орган (мансабдор шахс) томонидан амалга оширилади.

**27-модда. Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш**

Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларига Ўзбекистон Республикаси халқаро шартномаларининг шартларига ҳамда халқаро ҳуқуққа мувофиқ уларнинг иштирокчилари ўртасидаги келишувга биноан ўзгартиш ва қўшимчалар киритилиши мумкин.

Ушбу Қонуннинг халқаро шартномалар тузишга оид қисмидаги қоидалар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритишга нисбатан ҳам қўлланилади.

Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларига киритилган ўзгартиш ва қўшимчалар Ўзбекистон Республикаси учун халқаро шартномаларнинг ўзида назарда тутилган тартибда ва муддатларда ёки уларнинг иштирокчилари ўртасида келишиб олинган бошқа тарзда кучга киради.

Агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларига киритилган ўзгартиш ва қўшимчалар кучга кириши учун ушбу шартномалар шартларига ёки халқаро ҳуқуққа мувофиқ Ўзбекистон Республикасининг мазкур ўзгартиш ва қўшимчалар ўзи учун мажбурий эканлигига розилиги билдирилиши зарур бўлса, Ўзбекистон Республикасининг бундай розилиги ушбу Қонуннинг 17-моддасида кўрсатилган усулларда ифодаланиши мумкин.

**28-модда. Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларини пролонгация қилиш (муддатини узайтириш)**

Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари Ўзбекистон Республикаси халқаро шартномаларининг ўзида белгиланган шартларга мувофиқ ёки уларнинг иштирокчилари ўртасидаги келишувга кўра пролонгация қилиниши (муддати узайтирилиши) мумкин.

Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасини пролонгация қилиш (муддатини узайтириш) тўғрисидаги қарор Ўзбекистон Республикасининг ушбу халқаро шартномасини имзолаш тўғрисида қарор қабул қилган орган (мансабдор шахс) томонидан қабул қилинади.

(Давоми 3-бетда).

Ўзбекистон Республикасининг

ҚОНУНИ

# Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари тўғрисида

(Давоми. Бошланиши 1 ва 2-бетларда).

### 3-боб. Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларини эълон қилиш, рўйхатдан ўтказиш ва сақлаш

**29-модда. Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларини эълон қилиш**

Ўзбекистон Республикасининг кучга кирган халқаро шартномалари Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигининг тақдимномасига биноан Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида ҳамда бошқа манбаларда, шу жумладан тегишли давлат органларининг расмий веб-сайтларида эълон қилинади.

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари эълон қилинадиган расмий манбадир. Қонун ҳужжатларида Ўзбекистон Республикаси халқаро шартномаларини эълон қилишнинг бошқа расмий манбалари ҳам белгиланиши мумкин.

Аутентик матнлари чет тилларда тузилган Ўзбекистон Республикаси халқаро шартномалари давлат тилида эълон қилинади. Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари бошқа тилларда ҳам эълон қилиниши мумкин.

**30-модда. Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларини халқаро ташкилотларда рўйхатдан ўтказиш**

Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларини Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Котибиятида ва бошқа халқаро ташкилотларнинг тегишли органларида рўйхатдан ўтказиш Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги томонидан ёки у билан келишилган ҳолда бошқа давлат органлари томонидан амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикасининг рўйхатдан ўтказиладиган идоралараро шартномаларини тегишли халқаро ташкилотларда ушбу ташкилотларнинг амалдаги қоидаларига мувофиқ рўйхатдан ўтказиш бундай шартномалар қайси давлат органларининг номидан тузилган бўлса, ўша давлат органлари томонидан Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги билан келишилган ҳолда амалга оширилади.

**31-модда. Ўзбекистон Республикаси халқаро шартномаларининг давлат реестри ва уларнинг сақланиши**

Ўзбекистон Республикаси халқаро шартномаларининг давлат реестри Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларини рўйхатдан ўтказиш, ҳисобга олиш ва уларнинг электрон нусхаларини сақлашнинг ягона давлат тизимидир.

Ўзбекистон Республикаси халқаро шартномаларининг давлат реестри Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари ҳақидаги, шу жумладан уларнинг реквизитларини ва ахборот-маълумотнома тусидаги бошқа маълумотларни ўз ичига олади.

Ўзбекистон Республикаси халқаро шартномаларининг давлат реестри Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги тасарруфида бўлади ва у Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларини рўйхатдан ўтказиш, ҳисобга олиш ҳамда уларнинг асл нусхаларини ва депозитарий томонидан расман тасдиқланган нусхаларини сақлаш тартибини белгилайди.

Ўзбекистон Республикаси номидан ва Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати номидан тузилаётган халқаро шартномаларнинг асл нусхалари (тасдиқланган кўчирма нусхалари, расмий таржималари) улар имзоланган (депозитарийдан тасдиқланган кўчирма нусхалари, расмий таржималари олинган) кундан эътиборан икки ҳафталик муддат ичида Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигига сақлаш учун топширилади, ушбу ҳужжатларнинг кўчирма нусхалари эса, улар кучга кирган кундан эътиборан икки ҳафталик муддат ичида Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги томонидан Ўзбекистон Республикасининг тегишли давлат органларига ва бошқа ташкилотларига юборилади.

Ўзбекистон Республикаси идоралараро шартномаларининг асл нусхалари мазкур шартномалар қайси давлат органлари номидан тузилган бўлса, ўша давлат органларида сақланади, ушбу шартномаларнинг тасдиқланган кўчирма нусхалари эса, улар имзоланган (депозитарийдан тасдиқланган кўчирма нусхалари, расмий таржималари олинган) кундан эътиборан икки ҳафталик муддат ичида Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигига ва бошқа манфаатдор давлат органларига юборилади.

**32-модда. Депозитарий вазифаларини амалга ошириш**

Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги кўп томонлама халқаро шартномаларнинг депозитарийси вазифаларини, агар ушбу шартномалар шартларига мувофиқ бундай вазифалар Ўзбекистон Республикасининг зиммасига юклатилган бўлса, амалга оширади.

Ўзбекистон Республикасининг кўп томонлама идоралараро шартномалари депозитарийсининг вазифалари, агар ушбу шартномалар шартларига мувофиқ бундай вазифалар Ўзбекистон Республикасининг зиммасига юклатилган бўлса, ушбу шартномалар қайси давлат органларининг номидан тузилган бўлса, ўша давлат органлари томонидан амалга оширилади.

### 4-боб. Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларини бажаришга доир чора-тадбирлар

**33-модда. Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларини бажариш**

Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари Ўзбекистон Республикаси томонидан халқаро ҳуқуқ нормаларига мувофиқ оғишмай ва мажбурий тарзда бажарилади.

Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасини бажариш мақсадида Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатини қабул қилиш зарур бўлган ҳолларда, манфаатдор давлат органлари Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаси нормаларини имплементация қилиш масалалари бўйича тегишли ҳужжат қабул қилиш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги ва Адлия вазирлиги билан келишган ҳолда таклифлар тақдим этади.

**34-модда. Ўзбекистон Республикаси халқаро шартномаларининг бажарилишини таъминлаш**

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига мувофиқ Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларига ва Ўзбекистон Республикаси томонидан қабул қилинган мажбуриятларга риоя этилишини таъминлайди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари бажарилишини таъминлаш юзасидан амалий чоралар кўради ва Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари бажарилиши учун жавобгарлик ўз зиммасига юклатилган давлат органлари ва мансабдор шахсларни ўз ваколатлари доирасида белгилайди.

Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари билан тартибга солинадиган масалалар ўз ваколатига кирадиган давлат органлари Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари бажарилишини, бундай шартномалардан келиб чиқадиган, Ўзбекистон Республикасига тегишли бўлган ҳуқуқларга риоя этилишини таъминлайди ва Ўзбекистон Республикаси халқаро шартномаларининг бошқа иштирокчилари томонидан ўз мажбуриятлари бажарилишини кузатиб боради.

Агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари билан тартибга солинадиган масалалар икки ёки ундан ортиқ давлат органларининг ваколатларига кирса, Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигининг таклифига кўра Ўзбекистон Республикаси Президенти ёки Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси шартнома бўйича мажбуриятларнинг бажарилишини мувофиқлаштириш ўз зиммасига юклатиладиган давлат органини белгилайди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари бажарилиши устидан ўз ваколатлари доирасида назоратни амалга оширади.

**35-модда. Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари қоидаларини қўллаш тартиби тўғрисидаги тушунтириш**

Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари қоидаларини қўллаш тартиби тўғрисидаги тушунтириш Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари билан тартибга солинадиган масалалар ўз ваколатига кирадиган давлат органлари томонидан Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги билан келишилган ҳолда ёзма шаклда берилади.

**36-модда. Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари бажарилиши юзасидан мониторинг**

Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари бажарилиши юзасидан мониторинг Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларини ягона тарзда ҳисобга олишнинг, инвентаризация қилишнинг ва уларнинг амалга оширилиши юзасидан мониторинг қилишнинг электрон маълумотлар базаси асосида Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги томонидан амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари билан тартибга солинадиган масалалар ўз ваколатига кирадиган давлат органлари ҳар йили 31 декабрга қадар Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигига Ўзбекистон Республикаси халқаро шартномаларининг йил давомидаги бажарилиши тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги томонидан тасдиқланадиган шаклга мувофиқ ахборот юборади.

Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги давлат органларининг ахборотини ўрганиш асосида:

Ўзбекистон Республикаси халқаро шартномаларининг бажарилиши ҳолати самарадорлигига баҳо беради;

Ўзбекистон Республикаси халқаро шартномаларининг бажарилишини тегишли тарзда таъминлаш юзасидан таклифлар тайёрлайди;

ҳар йили 1 мартга қадар бўлган муддатда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига, алоҳида ҳолларда эса Ўзбекистон Республикаси Президентига умумлаштирилган ахборотни тегишли таклифлар билан киритади.

Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари билан тартибга солинадиган масалалар ўз ваколатига кирадиган давлат органлари Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари бажарилиши юзасидан ўз ваколатлари доирасида мониторингни амалга оширади.

**37-модда. Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларини инвентаризация қилиш**

Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларини инвентаризация қилиш Ўзбекистон Республикаси халқаро шартномаларини ягона тарзда ҳисобга олишнинг, инвентаризация қилишнинг ва уларнинг амалга оширилиши юзасидан мониторинг қилишнинг электрон маълумотлар базаси асосида амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари билан тартибга солинадиган масалалар ўз ваколатига кирадиган давлат органлари ҳамда бошқа аҳдлашувчи томонлар билан биргаликда шартномаларнинг ягона тарзда ҳисобга олинишини таъминлаш ва уларнинг ҳуқуқий мақомини белгилаш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларини режали асосда инвентаризациядан ўтказади.

Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари билан тартибга солинадиган масалалар ўз ваколатига кирадиган давлат органлари Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги томонидан тасдиқланадиган шаклга мувофиқ ахборотни Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигининг сўровномаси асосида икки ҳафталик муддат ичида тақдим этади.

Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларини инвентаризация қилиш якунлари бўйича Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларини амал қилувчи ёки ўз кучини йўқотган деб топиш, уларни пролонгация қилиш (муддатини узайтириш) ва қайта кўриб чиқиш тўғрисидаги таклифлар Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги томонидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига, алоҳида ҳолларда эса Ўзбекистон Республикаси Президентига киритилади.

Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги манфаатдор давлат органларини Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларини инвентаризация қилиш якунлари бўйича қабул қилинган қарорлар тўғрисида хабардор қилади.

**38-модда. Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаси унинг бошқа иштирокчилари томонидан бузилган тақдирда кўриладиган чоралар**

Давлат органлари Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари бўйича мажбуриятлар унинг бошқа иштирокчилари томонидан бузилиши ҳолати аниқланган пайтдан эътиборан бу ҳақда дарҳол Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигини хабардор қилади. Зарур бўлган ҳолларда, бундай бузилишга олиб келган ҳолатларга аниқлик киритиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси халқаро шартномасининг бошқа иштирокчилари билан маслаҳатлашувлар ўтказилиши мумкин.

Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари бўйича мажбуриятлар унинг бошқа иштирокчилари томонидан бузилган тақдирда, Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги ёки бошқа манфаатдор давлат органлари Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги билан биргаликда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига, алоҳида ҳолларда эса Ўзбекистон Республикаси Президентига халқаро ҳуқуқ нормаларига ҳамда халқаро шартноманинг ўз шартларига мувофиқ зарур чоралар кўриш тўғрисида таклифлар тақдим этади.

Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаси унинг бошқа иштирокчилари томонидан жиддий тарзда бузилган тақдирда, шунингдек халқаро ҳуқуқ нормаларида назарда тутилган бошқа ҳолларда, бундай шартнома ушбу Қонуннинг 40–48-моддаларида белгиланган тартибда тугатилиши ёки унинг амал қилиши тўхтатиб турилиши мумкин.

### 5-боб. Ўзбекистон Республикаси халқаро шартномасининг ҳақиқий эмаслиги, унинг амал қилишини тўхтатиб туриш ёки уни тугатиш

**39-модда. Ўзбекистон Республикаси халқаро шартномасининг ҳақиқий эмаслиги**

Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаси халқаро ҳуқуқ нормаларида назарда тутилган ҳолларда ҳақиқий эмас деб ҳисобланиши мумкин.

**40-модда. Ўзбекистон Республикаси халқаро шартномасининг амал қилишини тўхтатиб туриш**

Ўзбекистон Республикаси халқаро шартномасининг амал қилишини тўхтатиб туриш бундай шартноманинг барча иштирокчиларига нисбатан ёки унинг айрим иштирокчисига нисбатан:

халқаро шартнома қоидаларига мувофиқ;

бошқа аҳдлашувчи томонлар билан маслаҳатлашувларга кўра барча иштирокчиларнинг розилиги билан исталган вақтда амалга оширилиши мумкин.

**41-модда. Шартномани тугатиш, денонсация қилиш ёхуд ундан чиқиш тўғрисидаги қоидалар мавжуд бўлмаган Ўзбекистон Республикаси халқаро шартномасини денонсация қилиш ёки ундан чиқиш**

Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасини тугатиш тўғрисидаги қоидалар мавжуд бўлмаган ва уни денонсация қилишни ёки ундан чиқишни назарда тутмайдиган Ўзбекистон Республикаси халқаро шартномаси, агар:

халқаро шартнома иштирокчилари денонсация қилиш ёки чиқиш имкониятини қолдириш ниятида бўлганлиги белгиланмаган бўлса;

халқаро шартнома ўз хусусиятига кўра уни денонсация қилиш ёки ундан чиқиш ҳуқуқини назарда тутмаса, денонсация қилинмайди ва ундан чиқишга йўл қўйилмайди.

Ўзбекистон Республикаси ўзининг Ўзбекистон Республикаси халқаро шартномасини денонсация қилиш ёки ундан чиқиш нияти ҳақида камида ўн икки ой аввал хабардор қилади.

**42-модда. Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасини тугатиш ёки ундан чиқиш**

Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасини тугатиш ёки ундан чиқиш:

халқаро шартноманинг қоидаларига мувофиқ;

бошқа аҳдлашувчи томонлар билан маслаҳатлашувларга кўра барча иштирокчиларнинг розилиги билан исталган вақтда амалга оширилиши мумкин.

**43-модда. Ўзбекистон Республикасининг кейинги халқаро шартномаси тузилишидан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси халқаро шартномасининг амал қилишини тўхтатиб туриш ёки уни тугатиш**

Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаси, агар унинг барча иштирокчилари худди шу масала бўйича кейинги шартномани тузган бўлса ва:

мазкур масала Ўзбекистон Республикасининг кейинги шартномаси билан тартибга солиниши ушбу кейинги шартнома мазмунидан келиб чиқса ёки шундайлиги бошқача тарзда белгиланган бўлса;

Ўзбекистон Республикасининг кейинги халқаро шартномаси қоидалари Ўзбекистон Республикасининг илгариги халқаро шартномаси қоидаларига зид бўлса ва ҳар иккала шартномани бир вақтда қўллаш мумкин бўлмаса, тугатилган деб ҳисобланади.

Агар Ўзбекистон Республикасининг илгариги халқаро шартномаси иштирокчилари унинг амал қилишини тўхтатиб туриш ниятида эканлиги Ўзбекистон Республикасининг кейинги халқаро шартномаси мазмунидан келиб чиқса ёки шундайлиги бошқача тарзда белгиланган бўлса, Ўзбекистон Республикасининг илгариги халқаро шартномасининг амал қилиши фақат тўхтатиб турилган деб ҳисобланади.

**44-модда. Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаси жиддий тарзда бузилганлиги оқибатида унинг амал қилишини тўхтатиб туриш ёки уни тугатиш**

Ўзбекистон Республикаси халқаро шартномасининг шартнома иштирокчиларидан бири томонидан жиддий тарзда бузилганлиги Ўзбекистон Республикасига шартноманинг амал қилишини бутунлай ёки қисман тўхтатиб туриш ёки уни тугатиш учун бундай бузилишни асос қилиб кўрсатиш ҳуқуқини беради.

Ўзбекистон Республикаси халқаро шартномасининг жиддий бузилиши қуйидагилардан иборат:

халқаро ҳуқуқ нормаларида йўл қўйилмайдиган тарзда халқаро шартномадан воз кечиш;

шартнома объекти ва мақсадининг амалга оширилиши учун муҳим аҳамиятга эга бўлган қоиданинг бузилиши.

**45-модда. Ўзбекистон Республикаси халқаро шартномаларининг амал қилишини тўхтатиб туриш, уларни тугатиш ёки денонсация қилиш тўғрисидаги таклифлар**

Ўзбекистон Республикаси номидан, Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати номидан тузилган Ўзбекистон Республикаси халқаро шартномаларининг амал қилишини тўхтатиб туриш, уларни тугатиш ёки денонсация қилиш тўғрисидаги таклифлар Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги томонидан мустақил равишда ёки бошқа давлат органлари билан келишилган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Президентига ёки Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритилади.

Бошқа давлат органлари Ўзбекистон Республикаси халқаро шартномаларининг амал қилишини тўхтатиб туриш, уларни тугатиш ёки денонсация қилиш тўғрисидаги таклифларни Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигига киритади.

Ўзбекистон Республикаси идоралараро шартномаларининг амал қилишини тўхтатиб туриш, уларни тугатиш ёки денонсация қилиш тўғрисидаги таклифлар шартнома ўз номидан тузилган давлат органи томонидан Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги билан келишилган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Президентига ёки Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритилади.

**46-модда. Ўзбекистон Республикаси халқаро шартномасининг амал қилишини тўхтатиб туриш тўғрисидаги қарор**

Ўзбекистон Республикаси халқаро шартномасининг амал қилишини тўхтатиб туриш тўғрисидаги қарор шартноманинг ўз шартларига ва халқаро ҳуқуқ нормаларига мувофиқ Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасини имзолаш ҳақидаги қарорни қабул қилган орган (мансабдор шахс) томонидан қабул қилинади.

**47-модда. Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасини Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари томонидан денонсация қилиш тўғрисидаги қарор**

Ўзбекистон Республикаси номидан тузилган Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасини денонсация қилиш тўғрисидаги қарор Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан киритилган қонун лойиҳаси асосида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари томонидан қабул қилинади.

Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати номидан тузилган Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасини денонсация қилиш тўғрисидаги қарор Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан киритилган қонун лойиҳаси асосида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари томонидан қабул қилинади.

**48-модда. Ўзбекистон Республикаси Президенти ёки Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларини тугатиш ёхуд денонсация қилиш тўғрисидаги қарор**

Ўзбекистон Республикаси номидан тузилган Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларини (бундан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари томонидан ратификация қилинганлари мустасно) тугатиш ёки денонсация қилиш тўғрисидаги қарор Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан қабул қилинади.

Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати номидан тузилган Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларини (бундан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари томонидан ратификация қилинганлари мустасно) тугатиш ёки денонсация қилиш тўғрисидаги қарор Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан, алоҳида ҳолларда эса Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан қабул қилинади.

Ўзбекистон Республикасининг идоралараро шартномаларини тугатиш ёхуд денонсация қилиш тўғрисидаги қарор Ўзбекистон Республикаси Президенти ёки Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан қабул қилинади.

**49-модда. Ўзбекистон Республикаси халқаро шартномасининг амал қилишини тўхтатиб туриш, уни тугатиш ёки денонсация қилиш оқибатлари**

Агар шартномада бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса ёки унинг ўзга иштирокчилари билан бошқача келишув мавжуд бўлмаса, Ўзбекистон Республикаси халқаро шартномаси амал қилишининг тўхтатиб турилиши Ўзбекистон Республикасини ушбу шартноманинг амал қилиши тўхтатиб турилган муддат давомида уни бажариш мажбуриятидан озод қилади.

Агар шартномада бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса ёки унинг ўзга иштирокчилари билан бошқача келишув мавжуд бўлмаса, Ўзбекистон Республикаси халқаро шартномасининг тугатилиши ёки денонсация қилиниши Ўзбекистон Республикасини ушбу халқаро шартномани бажариш мажбуриятидан озод қилади ҳамда шартнома тугатилгунига қадар уни бажариш натижасида юзага келган Ўзбекистон Республикасининг ҳуқуқлари, мажбуриятлари ёки юридик ҳолатига таъсир қилмайди.

**50-модда. Ўзбекистон Республикаси халқаро шартномасининг амал қилишини тўхтатиб туриш, уни тугатиш ёки денонсация қилиш тўғрисидаги расмий хабарлар**

Ўзбекистон Республикаси халқаро шартномасининг амал қилишини тўхтатиб туриш, уни тугатиш ёки денонсация қилиш тўғрисидаги расмий хабарлар ушбу Қонуннинг 29-моддасида назарда тутилган тартибда эълон қилинади.

**51-модда. Ўзбекистон Республикаси халқаро шартномаларининг Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартнома бўлмаган халқаро ҳужжатларига нисбати**

Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартнома бўлмаган халқаро ҳужжатлари юридик мажбурият юкловчи қоидаларни ўз ичига олмаслиги ҳамда Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларига, Конституциясига ва бошқа қонун ҳужжатларига зид бўлмаслиги керак. Бунда шундай халқаро ҳужжатларда Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларидан келиб чиқадиган мажбуриятларга ҳавола қилишга йўл қўйилади.

Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартнома бўлмаган халқаро ҳужжатлари, қоида тариқасида, декларациялар, баёнотлар, коммюнике, англашув меморандумлари, аҳдлашув баённомалари, ҳамкорлик режалари ва дастурлари шаклида қабул қилинади.

Ушбу Қонун қоидаларининг халқаро шартномалар тузиш ташаббуси билан чиқишга ва уларни имзолашга оид қисми Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартнома бўлмаган халқаро ҳужжатларига нисбатан ҳам қўлланилади.

### 6-боб. Якунловчи қоидалар

**52-модда. Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарлик**

Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганликда айбдор шахслар белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

**53-модда. Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларини ўз кучини йўқотган деб топиш**

Қуйидагилар ўз кучини йўқотган деб топилсин:

1) Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 7 майда қабул қилинган **«Ўзбекистон Республикаси билан халқаро молия институтлари ўртасидаги халқаро заём ва кафолатли шартномалар ҳамда битимларни тузиш ва денонсация қилиш тартиби тўғрисида»**ги 850–XII-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993 йил, № 5, 234-модда);

2) Ўзбекистон Республикасининг 1995 йил 22 декабрда қабул қилинган **«Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари тўғрисида»**ги 172–I-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 12, 262-модда);

3) Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 25 апрелда қабул қилинган **«Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»**ги 482–II-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2003 йил, № 5, 67-модда) **XIV бўлими**;

4) Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 12 декабрда қабул қилинган **«Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»**ги 568–II-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2004 йил, № 1–2, 18-модда) **VIII бўлими**;

5) Ўзбекистон Республикасининг 2005 йил 14 декабрда қабул қилинган **«Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар агентлиги Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги этиб қайта ташкил қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар киритиш тўғрисида»**ги ЎРҚ–11-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 12, 410-модда) **2-моддаси**;

6) Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 14 сентябрда қабул қилинган **«Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек айрим қонун ҳужжатларини ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»**ги ЎРҚ–446-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2017 йил, № 9, 510-модда) **27-моддаси**;

7) Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 18 апрелда қабул қилинган **«Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»**ги ЎРҚ–476-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2018 йил, № 4, 224-модда) **18-моддаси**.

**54-модда. Ушбу Қонуннинг ижросини, етказилишини, моҳияти ва аҳамияти тушунтирилишини таъминлаш**

Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги ва бошқа манфаатдор ташкилотлар ушбу Қонуннинг ижросини, ижрочиларга етказилишини ҳамда моҳияти ва аҳамияти аҳоли ўртасида тушунтирилишини таъминласин.

**55-модда. Қонун ҳужжатларини ушбу Қонунга мувофиқлаштириш**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

ҳукумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштирсин;

давлат бошқаруви органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин.

**56-модда. Ушбу Қонуннинг кучга кириши**

Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри,
2019 йил 6 февраль
№ ЎРҚ–518

# ЭНДИ СУДНИНГ ҲАЛ ҚИЛУВ ҚАРОРЛАРИ ИНТЕРНЕТГА ЖОЙЛАШТИРИЛАДИ

1

Унга кўра, солиқ тўловчининг солиқ қарзини унинг мол-мулкига қаратиш талаби бўйича, агар даъво суммаси юридик шахслар учун энг кам ойлик иш ҳақининг 20 бараваридан, якка тартибдаги тадбиркорлар учун энг кам ойлик иш ҳақининг 5 бараваридан ошмаган миқдорда бўлса, даъво ариза бўйича ишни соддалаштирилган тартибда кўришни белгилаш таклиф қилинмоқда.

Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси томонидан қонун лойиҳасини иккинчи ўқишга тайёрлаш давомида лойиҳанинг таклиф этилган номи ўзгартирилди, 4 та янги норма киритилди, 3 та норма чиқариб ташланди. Муҳокамалар давомида лойиҳанинг деярли барча нормаси таҳририй тузатилди.

Депутатларнинг фикрича, қонунчиликка киритилаётган бу каби янгиликлар суд ишларини юритиш тизимига соддалаштирилган тартиб-таомилларни жорий қилиш, ишларни тезкорлик билан кўриб чиқиш, муайян турдаги низолар бўйича ҳал қилув қарорларини кузатиб бориш имконини беради. Энг муҳими, Жаҳон банки ва Халқаро молия корпорациясининг "Бизнес юритиш" йиллик ҳисоботида Ўзбекистон кўрсаткичларини янада яхшилашга хизмат қилади.

Маълумки, бугунги кунда мамлакатимизда барча соҳадаги ислоҳотларни амалга оширишда парламент ва ҳукуматнинг ўзаро ҳамкорлиги муҳим ўрин тутади. Шундан келиб чиқиб, парламентда қабул қилинаётган қонунларнинг сифатли тайёрланиши ҳамда бу борада қонунчилик ва ижро ҳокимияти ўртасидаги масалаларни тезкорлик билан ҳал этиш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг Олий Мажлисдаги ваколатли вакили лавозими жорий қилинган эди.

Мажлисда депутатлар томонидан муҳокама этилган муҳим масалалардан бири ана шу ваколатли вакил институти жорий қилиниши муносабати билан бир қатор қонунларга қўшимча ва ўзгартишлар киритишни назарда тутувчи қонун лойиҳаси ҳисобланади.

Қайд этилганидек, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисидаги ваколатли вакили лавозимининг жорий этилиши муносабати билан 2018 йилнинг 23 июлида "Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тўғрисида"ги Қонунга тегишли қўшимчалар киритилган. Ушбу Қонун Вазирлар Маҳкамасининг Олий Мажлисдаги ваколатли вакилининг ҳуқуқий мақомини қонун даражасида мустаҳкамлашга, ҳукуматнинг парламент палаталари билан ҳамкорлигининг ташкилий-ҳуқуқий механизмларини янада такомиллаштиришга, унинг қонун ижодкорлиги жараёнида самарали иштирокини таъминлашга қаратилган.

Шундан келиб чиқиб, мазкур лойиҳа билан парламент фаолиятини тартибга солувчи бошқа бир қатор қонун ҳужжатларига тегишли қўшимча ва ўзгартишлар киритилмоқда.

Депутатларнинг қизғин муҳокамасидан ўтган навбатдаги масала эса "Халқаро меҳнат ташкилотининг Халқаро меҳнат нормалари қўлланилишига кўмаклашиш учун уч томонлама маслаҳатлашувлар тўғрисидаги 144-сон конвенциясини (Женева, 1976 йил 21 июнь) ратификация қилиш ҳақида"ги қонун лойиҳаси бўлди.

Ушбу лойиҳа Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 20 августдаги қарори билан тасдиқланган "Йўл харитаси"га биноан ишлаб чиқилган.

Муҳокамалар чоғида айтиб ўтилганидек, Халқаро меҳнат ташкилоти (ХМТ)нинг 144-сонли конвенцияси тадбиркорлар ва меҳнат қилувчиларнинг эркин, мустақил ташкилотлар ташкил этишга бўлган ҳуқуқларини мустаҳкамловчи ХМТ конвенциялари, хусусан, Ўзбекистон Республикаси ратификация қилган 87-сонли ва 98-сонли конвенциялар қоидаларидан келиб чиқади. Унинг мақсади ХМТ фаолиятига оид масалалар, жумладан, мазкур ташкилотнинг конвенцияларини ратификация қилиш ва уларни қўллаш мақсадида ваколатли давлат органи томонидан кўрилган чора-тадбирлар хусусида мазкур орган тарафидан ХМТга йиллик маълумотларни тақдим этиш юзасидан давлат ҳокимияти органлари, тадбиркорлар ҳамда меҳнат қилувчилар вакиллари ўртасида миллий даражадаги уч томонлама маслаҳатлашувлар самарадорлигини таъминлашдан иборат.

139 та давлат, хусусан, Арманистон, Беларусь, Озарбайжон, Россия, Тожикистон, Қирғизистон, Қозоғистон каби МДҲ мамлакатлари қўшилган мазкур конвенциянинг ратификация қилиниши халқаро меҳнат стандартларини миллий қонун ҳужжатларига жорий этишга, ХМТ ва бошқа халқаро ташкилотлар билан алоқаларда Ўзбекистоннинг ижобий имижини шакллантиришга кўмаклашади.

Шундан сўнг депутатлар "Фуқароларнинг репродуктив саломатлигини муҳофаза қилиш тўғрисида"ги қонун лойиҳасини биринчи ўқишда кўриб чиқдилар.

Таъкидлаш жоизки, мазкур қонун лойиҳаси бир гуруҳ депутатлар томонидан қонунчилик ташаббуси асосида ишлаб чиқилган бўлиб, аҳолининг репродуктив саломатлигини муҳофаза қилиш, бепуштликнинг олдини олиш ва даволаш соҳасидаги ижтимоий муносабатларни тартибга солишни назарда тутади. Лойиҳада соғлом оилани шакллантириш, замонавий тиббий технологиялардан фойдаланиш, аёлларнинг репродуктив саломатлигини таъминлашда уларни ҳомиладор бўлгунга қадар, ҳомиладорлик пайтида, туғиш ва туғишдан кейинги даврда даволашнинг замонавий услубларини қўллаш каби масалалар ўз ифодасини топган.

Муҳокамалар чоғида қайд этилганидек, ушбу қонуннинг қабул қилиниши фуқароларнинг репродуктив ҳуқуқларини таъминлашга, бепуштликни самарали даволаш, фуқароларнинг ота-она бўлишига, оилада бахт ва фаровонликка эришишига пойдевор яратади. Фуқароларга юқори технологияларга асосланган сифатли ва юқори малакали тиббий хизмат кўрсатиш имкониятини оширади, шунингдек, хусусий тиббиётни янада ривожлантиришнинг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлайди. Энг муҳими, мамлакатимизнинг барқарор ривожланишида муҳим ижтимоий аҳамият касб этган оила мустаҳкамлигини таъминлашга ёрдам беради.

Қизғин баҳс-мунозара, муҳокама ва тортишувлардан сўнг қонун лойиҳалари қабул қилинди.

Мажлисда, шунингдек, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ваколатига тааллуқли бошқа масалалар ҳам кўриб чиқилди.

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Матбуот хизмати.**

# Муаммолар уйма-уй юриб ўрганилади

*Андижон шаҳрида яшовчи Ҳусанбой Абдулҳакимов — ногиронлиги бўлган шахс. Тақдир тақозоси билан тўшакка михланиб қолган. Бироқ у ўз вақтида даволаниши учун ҳар доим ҳам моддий таъминотга эга эмас. Халқ қабулхонаси вакилларининг ёрдами билан унга касалхонада бепул даволаниш учун ордер ажратилди.*

## Фармон ва ижро

Шу йилнинг 1 февралидан эътиборан Халқ қабулхоналарининг аҳоли мурожаатлари билан ишлаш бўйича амалдаги тизимидан ташқари, муаммоларни уйма-уй юриш орқали аниқлаш ва ҳал қилиш тизими ишга тушди.

Президентимизнинг "Аҳоли муаммолари билан ишлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони асосида жорий этилган ва давлат органларининг аҳоли билан бевосита ишлашини назарда тутувчи ушбу янгича ёндашув янада кўпроқ самара бериши билан ҳам ғоят муҳимдир.

Андижон вилоятидаги Халқ қабулхонаси вакиллари ҳам аҳоли билан учрашувларда юзлаб муаммоларни аниқлашда давом этмоқдалар. Муҳими, аксарият сўровлар жойида ҳал этилишига эришиляпти.

Беморларнинг соғлиғини тиклашда, аввало, тиббий шарт-шароитлар бўлиши керак. Андижон шаҳридаги 1-оилавий поликлиникада бўлган вакиллар бу ерда айрим тиббиёт воситалари етишмаслигига гувоҳ бўлдилар. Ушбу муассаса 81 минг нафардан ортиқ аҳолига хизмат кўрсатса-да, баъзи ҳолларда қўшни поликлиникаларга мурожаат қилишга ҳам тўғри келмоқда.

— Халқимиз жуда ориятли, — дейди Андижон шаҳар Халқ қабулхонаси мудири Ҳамидахон Мадаминова. — Ўз дардини, муаммосини ҳар доим ҳам тегишли идоралар тугул, ён қўшнисига ҳам айтмайди. Бу жойлардаги камчиликлар тўлиқ ўрганилмай, ҳал этилмай қолишига сабаб бўлаётганди. Татбиқ қилинган янги тизим эса ана шундай масалалар ечимида қўл келмоқда. Халқ қабулхонаси вакиллари мурожаатлар келиб тушишини кутиб ўтирмай, ўзлари уйма-уй юриб, уларни бартараф этиш чорасини кўришяпти.

Қисқаси, эндиликда фуқаролар Халқ қабулхоналарига қатнаб, қимматли вақтларини сарфлашларига ҳожат қолмади. Халқ қабулхонаси вакиллари томонидан уйма-уй юриб, аҳоли билан очиқ мулоқот ташкил этилаётгани одамларни рози қилиш баробарида, уларнинг муаммоларига ечим излашда қўл келмоқда.

**Саминжон ҲУСАНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.**

# БАНКРОТЛИКДА «ЎЙИН» ҚИЛИШГА ЙЎЛ ҚЎЙИЛМАЙДИ

*Банкротлик ҳолатларини қайд этиш ва уни амалга ошириш билан боғлиқ жараёнлар тартибга солинганми? Бунда мураккаблик ёки чалкашликлар йўқми?*

*Таҳлиллар охирги йилларда бу борада муайян ишлар қилинаётган бўлса-да, ҳали бажарилиши лозим бўлган тадбирлар ҳам кўплигини кўрсатмоқда. Бинобарин, давлатимиз раҳбари Олий Мажлисга йўллаган Мурожаатномасида Ўзбекистоннинг халқаро рейтинглардаги ҳолатини сезиларли даражада яхшилаш бўйича топшириқ ва вазифалар бергани бежиз эмас. Албатта, рейтингни ўзгартириш учун, аввало, вазиятни ўнглаш керак. Ишни орқага тортаётган муаммоларнинг асл сабабларини аниқлаш лозим.*

Президентимизнинг "Банкротлик таомилларини янада соддалаштириш ва суд бошқарувчилари фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори ушбу устувор мақсадга эришишни жадаллаштиришга хизмат қилувчи муҳим ҳужжатлардан бири бўлганини алоҳида таъкидлаш жоиз. Чунки унда соҳадаги камчиликларга барҳам бериш, банкротлик ҳолатларини қайд этишнинг соддалаштирилган ва шаффоф тизимини амалиётга жорий қилиш каби муҳим масалалар акс эттирилган.

*Жумладан, жорий йилнинг 1 июлидан эътиборан, агар солиқ ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича қарздорликни ундириш имкони бўлмаса, давлат солиқ органлари ижро ҳужжатлари қайтарилгандан кейин 30 кун ичида қарздорни банкрот, деб эълон қилиш тўғрисида судга ариза беришлари мумкин.*

Ваҳолонки, амалдаги қонунчиликда бундай муддат умуман йўқ эди. Иккинчидан, банкротлик аломатлари мавжуд бўлганда, қарздор юридик шахсга нисбатан билдирилган талабнома суммаси энг кам иш ҳақининг камида уч юз бараварини, қарздор якка тартибдаги тадбиркорга ёки якка тартибдаги тадбиркор мақомини йўқотган жисмоний шахсга нисбатан эса энг кам иш ҳақининг камида йигирма бараварини ташкил этса, суд томонидан банкротлик тўғрисидаги иш қўзғатилади. Қайд этиш керакки, ушбу суммаларнинг сезиларли миқдорда пасайтирилгани бежиз эмас. Чунки...

— Илгариги қонунчиликда бу юридик шахслар учун энг кам иш ҳақининг 500 баравари, якка тартибдаги тадбиркорларники энг кам иш ҳақининг 30 баравари миқдорида эди, — дейди Мирзо Улуғбек тумани ДСИ бўлими бошлиғи ўринбосари Жалолиддин Ходжаев. — Бу эса ўз-ўзидан кредиторлик қарздорлигининг асоссиз ошишига олиб келади.

Қарорда, шунингдек, банкротликни тугатишга доир иш юритиш муддати ҳам тўққиз ойдан ошмаслиги лозим топилса, ушбу муддат суд қарори билан уч ойдан ортиқ бўлмаган муддатга узайтирилиши мумкинлиги ҳам белгилаб қўйилмоқда.

*Шу пайтгача банкротлик ишлари 1 йил ичида кўриб чиқилар, қолаверса, уни белгиланмаган муддатга узайтириш имконияти бор эди. Бу ҳам банкротлик ишларининг узоқ муддат ҳал этилмасдан қолиб кетишига сабаб бўларди. 2019 йилнинг 1 январь ҳолатига кўра, 64 та банкротлик ишини кўриб чиқиш муддати 1 йилдан, 26 тасиники 2 йилдан ошиқ муддатга чўзилгани шундан далолат беради.*

Дарвоқе, қарор асосида эндиликда сохта банкротлик, банкротликни яшириш ва қасддан банкротликка олиб келганлик учун жавобгарлик кучайтирилмоқда. Шу билан бирга, банкротлик таомили қўлланилган қарздорлар мулкининг кейинги тақдирига ҳам аниқлик киритилди. Яъни бундан буёғига қарздорларнинг мол-мулки аввалгидек аукцион ва танлов савдоларида эмас, балки суд бошқарувчилари томонидан "E-IJRO AUKSION" ягона электрон савдо майдончасида онлайн-аукцион орқали ҳамманинг кўз ўнгида шаффоф тарзда сотилади. Табиийки, бу орқали жараёндаги айрим қинғирликларга ҳам барҳам берилади.

Қарорда суд бошқарувчиларини тайёрлаш, малакасини оширишга алоҳида эътибор қаратилган бўлиб, 2019 йилнинг 1 апрелидан бошлаб, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги қошидаги Абу Райҳон Беруний номидаги Бизнес ва бошқарув республика олий мактабида улар учун махсус курслар ташкил этилади. Чунки шу пайтгача мамлакатимизда суд бошқарувчиларини ўқитадиган ягона таълим муассасаси ҳам, шунингдек, ўқув режалари, дастурлари ҳам йўқ эди.

Суд бошқарувчиларини ўқитиш ва малакасини ошириш ўқув режалари ва дастурлари ҳар жиҳатдан мукаммал бўлиши учун уни ишлаб чиқиш жараёнига Давлат активларини бошқариш агентлиги ҳам жалб этилади. Банкротлик тўғрисидаги ишларни тегишли аттестатга эга бўлган суд бошқарувчилари кўриб чиқади. Солиқ органлари аризалари асосида қўзғатилган ишлар учун суд бошқарувчиларини давлат солиқ хизмати органлари ходимлари орасидан тайинлаш амалиёти бекор қилинади. Маълумот учун келтириш керакки, ҳозир фаолият юритаётган суд бошқарувчиларининг 1032 нафари солиқ органлари ходимлари, 103 нафари эса профессионал суд бошқарувчиларидан иборат.

Ўзбекистон суд бошқарувчилари ассоциацияси қарийб 20 йилдан буён фаолият юритиб келмоқда. Бироқ унинг ҳуқуқ ва ваколатлари шу вақтгача аниқ белгилаб қўйилмаган эди. Айнан ушбу қарор билан мазкур тузилмага бир қатор масъулиятли вазифалар юклатилмоқда.

Бундан ташқари, қарорга биноан, соҳага доир яна бир нечта ҳужжатларни ишлаб чиқиш вазифалари белгиланган. Сохта банкротлик, банкротликни яшириш ва қасддан банкротликка олиб келиш учун жавобгарликни кучайтиришни назарда тутувчи қонун лойиҳаси ва Янги таҳрирдаги "Банкротлик тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикасининг қонуни лойиҳаси шулар сирасидандир.

Мухтасар айтганда, мазкур қарорнинг қабул қилиниши билан эндиликда солиқ тўловларини ундириш кўрсаткичини ошириш, тизимдаги коррупция ҳолатларини пасайтириш, кредиторларнинг қарздор мулкига эга бўлишга сарфлаётган қимматли вақти ва молиявий харажатларини қисқартириш имконияти туғилади.

**Бош прокуратура ҳузуридаги Ахборот-таҳлил мультимедиа маркази материаллари асосида Д. УЛУҒМУРОДОВ тайёрлади.**

## Хабарлар

### Сурхондарёликлар Мўйноқда болалар боғчаси бунёд этади

Мўйноқ туманида 500 гектарлик ўрмонзор яратиш ишларида Сурхондарёдан 25 та техника воситаси ҳамда 60 нафардан зиёд малакали мутахассислар иштирок этмоқда. Улар туманда 100 ўринли замонавий мактабгача таълим муассасаси қуришга киришишди.

Турли эртак қаҳрамонлари акс этадиган ўйин майдончалари, ёзги ва қишки чўмилиш ҳавзалари, волейбол, баскетбол майдонларига эга бўладиган янги мактабгача таълим муассасаси мўйноқликларга сурхондарёликларнинг туҳфаси бўлади.

**Илҳом РАҲМАТОВ, «Халқ сўзи» мухбири.**

### Сув ҳавзаларини тозалашда ноёб технологиядан фойдаланилмоқда

Аму — Қоракўл каналида "землесос" деб аталадиган қурилма пайдо бўлди. Ҳавзалардан лойбалчиқларни чиқариб ташлайдиган бу қурилма экскаваторларда бажариб бўлмайдиган чуқурликларни ҳам тозалай олади. Бу орқали вақт ҳам, маблағ ҳам тежаладид, сув таъминоти яхшиланади. Иш сифати ҳам, унуми ҳам юқори бўлади.

Бухоро вилоятига Хитой Халқ Республикаси гранти асосида ана шундай замонавий қурилмалардан бешта келтирилди.

**Истам ИБРОҲИМОВ, «Халқ сўзи» мухбири.**

# Ҳарбий хизматга чақирув вақти ўзгариши мумкин

Ислоҳот



*Ҳарбий хизматга чақирув тадбирлари йилнинг февраль-март ойларида ўтказилиши чақирув ва йиғин пунктлари хоналарида белгиланган иссиқлик ҳароратини таъминлашда қатор қийинчилик ҳамда сарф-харажатларнинг ортишига олиб келмоқда. Аксарият ҳолларда ноқулай об-ҳаво шароити мамлакатимизнинг узоқ ҳудудларида яшовчи фуқароларнинг ўз вақтида чақирув ва йиғин пунктларига етиб келишларига тўсқинлик қиляпти. Шунингдек, қиш мавсумидаги йўллар ҳолати олис манзилларда истиқомат қилувчи фуқароларнинг чақирув тадбирларида тўлиқ иштирок этишини қийинлаштираётир.*

"Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни ҳамда соҳага оид меъёрий ҳужжатлар ижросини таъминлаш, 2019 йилги чақирувни сифатли ўтказиш ва фуқароларга қулайлик яратиш мақсадида Мудофаа вазирлиги, ҳарбий округлар, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари билан ҳамкорликда бир қанча ишлар амалга оширилди.

Чақирув тадбирларини ўтказиш даврида йилдан-йилга такрорланиб келаётган камчиликлар ва юқорида кўрсатиб ўтилган ортиқча сарф-харажатлар ҳамда фуқароларга қулайликлар яратишни инобатга олган ҳолда, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Хавфсизлик кенгашининг 2018 йил 28 ноябрдаги кенгайтирилган таркибдаги йиғилишида Президентимиз, Қуролли Кучлар Олий Бош Қўмондони Шавкат Мирзиёев томонидан фуқароларни муддатли ҳарбий хизматга чақириш ва белгиланган хизмат муддатини ўтаб бўлган фуқароларни захирага бўшатиш муддатини йилнинг февраль-март ойларидан март-апрель ойларига ўтказиш таклифи берилган.

Шунга асосан, Мудофаа вазирлиги томонидан "Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги қонун лойиҳаси ишлаб чиқилди.

Чақирув даврининг қиш мавсумидан баҳор мавсумига ўтказилиши муддатли ҳарбий хизмат ва сафарбарлик чақируви резервидаги хизматга чақиришга доир сарф-харажатларни камайтириш имконини беради ҳамда кузатиш тадбирига келадиган ота-оналарга қулайлик яратади.

**Мудофаа вазирлиги матбуот хизмати.**

# «Добро» кутиб эмас, ташаббус кўрсатиб ИШЛАШ ПАЙТИ КЕЛДИ

*Узоқ йиллар давомида ислоҳот, ислоҳот, деявериб, бу сўзнинг оҳорини анча тўкиб қўйгандекмиз, гўё. Беш қўлдай аён ҳақиқат, бу — ҳар қандай ислоҳот ҳам бир неча-ўн йиллаб давом этмаслиги, қачондир ўз якунига етиши, мевасини бериши керак-ку.*

## Фикр

Давлатимиз раҳбари парламентга Мурожаатномасида бу борадаги яққол амалий ечимларни кўрсатиб берди. Хусусан, ислоҳот, бу — янгиланиш, ўзгариш эканлигини, у ижобий натижа бериши учун, аввало, раҳбарлар ва одамлар ўзгариши кераклигини, инсон ўзгарса, жамият ўзгаришини алоҳида таъкидлади.

Ҳақ гап. Одамлар эртага эмас, айнан бугун ҳеч қандай ялтироқ шиорга ўралмаган, ҳар бирининг турмуши, хонадони, рўзғорида ўз аксини топадиган амалий ўзгаришларни кутмоқда. Аслида эса бу ўзгариш, янги замонга мос тарзда янгиланиш ҳар биримизнинг қалбу шууримиздан бошланмоғи зарур.

Мурожаатноманинг асоси, албатта, Ҳаракатлар стратегиясидир. Ундаги биринчи устувор вазифа — давлат ва жамият қурилишини такомиллаштириш. Бунда эса парламент ҳамда сиёсий партиялар ваколатларини кенгайтириш муҳим ўрин тутади. Мурожаатномада ҳам ана шу масалага алоҳида урғу берилиб, бу борада мавжуд бир қатор парадоксларга ҳам барҳам бериш зарурлиги қайд этилди.

"Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида"ги Қонунда вилоят ҳокими, Тошкент шаҳар ҳокими Ўзбекистон Республикаси Президенти ва тегишли халқ депутатлари Кенгаши олдида, туман, шаҳар ҳокими юқори турувчи ҳоким ва тегишли халқ депутатлари Кенгаши олдида ҳисобдор эканлиги белгилаб қўйилган. Ҳам бошқариш, ҳам ўзи бошқараётган тузилма олдида ҳисобдор бўлиш ёхуд ўзининг фаолиятига ўзи баҳо бериш... Қатор йиллар давомида бу антиқа, ғайриижтимоий ва ғайримантиқий манзарага кўпчилик кўникиб ҳам кетган эди.

Президентимиз илгари ҳам ушбу масала хусусида алоҳида тўхталиб, бу ҳолат демократик принципларга мос келмаслигини, ҳокимларнинг ижро ва вакиллик ҳокимияти раҳбари сифатидаги ваколатларини алоҳида-алоҳида ажратиб қўйиш зарурлигини қайд этганди.

Дарҳақиқат, мазкур тизим ҳокимлар ва маҳаллий Кенгашлар вазифаларининг самарали бажарилишига салбий таъсир этаётгани айни ҳақиқат. Мурожаатномада ҳокимнинг айни вақтда халқ депутатлари Кенгаши раиси сифатида фаолият кўрсатишига доир тартиб бекор қилиниши уқдирилди. Олий Мажлис палаталари раҳбарларига 2019 йил давомида ушбу масалаларни парламентда атрофлича муҳокама этиб, амалий чоралар дастурини қабул қилиш тавсия этилди.

Шунингдек, Олий Мажлис қошида Давлат бюджети бошқармасини ташкил этиш мақсадга мувофиқлигига эътибор қаратилиб, парламент аъзолари бу йил танқиддан сўнг мамлакат тарихида илк марта бюджетни тасдиқламай қайтарганини, аммо бу жараён саёз ва ҳатто профессионал иқтисодчилар эшитса, "энсаси қотадиган" савол-жавоблар асосида кечгани қайд этилди. Бу гаплар маҳаллий Кенгаш депутати сифатида бизни ҳам чуқур мушоҳадага ундади. Энди вилоят ёки шаҳар ва туман Кенгашларида ҳам маҳаллий бюджет муҳокамасига ўзгача масъулият билан ёндашмоқ зарур.

Вазирлар Маҳкамаси аъзоларини Олий Мажлис томонидан тасдиқлаш амалиётини киритиш таклифи, айни вақтда жойлардаги маҳаллий Кенгашларда ҳам вилоят ва туман идоралари раҳбарларини тасдиқлаш бўйича мана шундай амалиётни жорий этиш зарурлиги барчамизнинг кўнглимиздаги гап бўлди. Зеро, қуйи бўғиндаги халқ таълими бўлими мудири, электр ёки газ таъминоти корхонаси раҳбари ё туман ҳокимидан тортиб, вазиргача бу курси унга хатлаб берилмаганини, бу мартаба осмондан тушмаганини, у, аввало, халқ олдида ҳисобдор бўлган хизматчи эканини, босаётган ҳар бир қадами элнинг нигоҳидалигини ҳис этсин. Шу лавозимга лойиқ эканини элнинг кўз ўнгида исботласин. Ҳеч шубҳасиз, бу жараёнда сиёсий партияларнинг ҳам ваколатлари кенгаяди.

Кейинги йилларда "оёғи ердан узилган", коррупция ботқоғига ботган қанча раҳбар кадрлар жиноий жавобгарликка тортилди. Улар туман ташкилоти раҳбари бўладими, ҳоким бўладими — аксарияти депутат, ҳатто сенатор ҳам эди. Депутатликдан чақириб олиш, мандатини бекор қилиш масаласи ўз йўлига. Бироқ бундай нохуш ҳолатлар такрорланмаслиги учун маҳаллий Кенгашлардан тортиб, парламент депутатларигача қандай чоралар кўряпмиз, сиёсий партияларнинг бу жараёндаги ваколати ҳамда иштироки қандай бўляпти? Мана шулар хусусида жиддийроқ бош қотириш фурсати етди.

Ўзгариш қачон бўлади? Одамлар ва жамият қачон ўзгаради? Мурожаатномада таъкидланганидек, биринчи навбатда, барча даражадаги раҳбарлар ҳамда халқ депутатлари, барча етакчилар ўз фаолиятини танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик асосида ташкил этса, албатта. Қўл қовуштириб, юқоридан "добро" кутиб ўтириладиган даврлар ўтиб кетди. Аксинча, қуйидан ташаббус кўрсатиб ишлаш вақти етди. Соддароқ қилиб айтганда, "тепадагилар нима деркин?" деб елка қисадиган эмас, балки "одамлар нима деяпти?" дея эл юкига елка тутадиган давр келди.

**Олим РАВШАНОВ, халқ депутатлари Қашқадарё вилояти Кенгаши депутати.**

## Акция

### «Китоблар карвони»

Ўзбекистон ёшлар иттифоқи томонидан ташкил этилган "Китоблар карвони" акцияси доирасида Хоразм вилоятига 36 номдаги 20 минг нусха китоб тақдим қилинди.

* * *

Наманган вилоятида эса шундай акция давомида 683 та умумтаълим мактаби ҳамда учта олий ўқув юрти зиё масканлари 36 номдаги 26 мингдан кўпроқ китоблар билан бойиди.

Хайрли ташаббус йирик корхоналар, тадбиркорлик субъектлари томонидан қўллаб-қувватланмоқда.

**Ўз мухбирларимиз.**



# Ўзбекистон илк бор Берлин халқаро кинофестивалида ўз миллий павильони билан қатнашади

*7 — 15 февраль кунлари Германия пойтахтида бўлиб ўтадиган ушбу фестиваль жаҳон кино саноати вакилларининг энг йирик тадбирларидан биридир.*

Берлин халқаро кинофестивали — "Берлинале" кинематография бизнеси учун қулай мулоқот майдони ҳисобланади. Ўзбекистонлик ижодкорларнинг унда иштирок этиши жаҳон кинобозорига катта йўл очади.

Юртимиз миллий павильонининг ташкил этилишида Ўзбекистон ёшлар иттифоқи, "Ўзбеккино" Миллий агентлиги, Ўзбекистон кинематографиясини ривожлантириш маркази ҳамда мамлакатимизнинг Германиядаги элчихонаси ўртасида йўлга қўйилган ҳамкорлик муҳим аҳамият касб этди.

Нуфузли тадбирда юртимизнинг тажрибали ва ёш мутахассисларидан иборат делегация хорижий кинокомпаниялар вакиллари билан турли йўналишларда музокаралар ўтказади. Ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш юзасидан битимлар имзоланади. Жумладан, делегатлар жаҳон киносаноати вакиллари билан Ўзбекистон иштирокида қўшма кинолойиҳалар қилиш ҳамда чет эл кинокомпанияларини мамлакатимизга фильмлар суратга олиш учун таклиф этишни мақсад қилишган.

**Дилшод КАРИМОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## БИЗ ВА ЖАҲОН

### The Telegraph:

# Ўзбекистон — 2019 йилда бориш лозим бўлган 10 ТА МАМЛАКАТДАН БИРИ

1

"Селфи-таёқчалар билан қуролланган сайёҳлар оқими ичида қолиб кетишни истамайсизми? Унда туризм соҳасида имкониятлари очилиб бораётган Ўзбекистонга боринг", дея тавсия қилинади нашрда.

"The Telegraph" февраль ойининг бошидан эътиборан юртимиз 45 мамлакат, шу жумладан, Буюк Британия фуқаролари учун визасиз тартиб жорий қилганини алоҳида таъкидлайди. Шунингдек, мамлакатимизда хорижий сайёҳларни жалб қилиш бўйича амалга оширилаётган тизимли чора-тадбирларни юксак баҳолайди.

Газетада айтилишича, Марказий Осиёнинг юрагида жойлашган ўлкада асрлар мобайнида Буюк Ипак йўли бўйлаб ҳаракатланган савдо карвонлари тўхтаб, бу ерда қизғин савдо-сотиқ ва маданий алмашинувлар амалга оширилган.

"Самарқанд, Бухоро ва Хиванинг маҳобатли миноралари, ложувард гумбазлари ва инсон кўзини қамаштирадиган тиллакор нақшлари сизни кутмоқда. Шарқона бозорлар, меҳмондўст инсонлар ва ажойиб табиат манзаралари саёҳатингизнинг мазмунли кечишини таъминлайди", дейди британиялик журналистлар.



# «The Jakarta Post» юртимизнинг виза сиёсатини юксак баҳолади

1

"Аслини олганда Самарқанд, Бухоро ва Хиванинг тарихий, маданий ва сайёҳлик имкониятларидан тўлиқ фойдаланилса, шунинг ўзи бир давлат ялпи ички маҳсулотига тенг маблағ келтиради, — дейилади "The Jakarta Post"да. — Президент Шавкат Мирзиёев томонидан олиб борилаётган дадил қадамлар натижаси ўлароқ, туризм соҳаси ривожига ғов бўлиб келган тўсиқлар бартараф этилаётир".

Республика ҳудудларида суратга олиш борасидаги тақиқлар бекор қилингани бу йўлдаги илк қадам бўлса, виза тартибининг енгиллаштирилиши муҳим қарор сифатида қабул қилинди. Ўтган йили Франция, бу йил Германия фуқаролари учун визалар бекор қилинди. Кўплаб мусулмон давлатлари вакиллари ҳам Ўзбекистонга визасиз келиши мумкин.

Индонезиялик шарҳловчилар Президент Шавкат Мирзиёев қатъият ва изчиллик билан мамлакат туризм тармоғини ижобий томонга ўзгартираётганини эътироф этган. Қолаверса, амалга оширилаётган ислоҳотлар миллий иқтисодиётнинг ўсиши, аҳоли фаровонлиги юксалиши ва маҳаллий инфратузилмалар ривожланишига хизмат қилаётганига эътибор қаратган.

**Анвар МИРЗАЕВ**
**(«Халқ сўзи») тайёрлади.**

# Юртдошимизнинг Магнитогорскдаги чинакам қаҳрамонлиги

## муносиб эътироф этилди



*Шу йилнинг 6 февраль куни Россия Федерациясининг Челябинск вилояти губернатори Борис Дубровский ва ҳудуднинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили Маргарита Павлова Ўзбекистон фуқароси Оламафруз Абдуллаевга "Яхшилик қилишга шошилинг" ("Спешите делать добро") медалини тантанали равишда топширди.*

*Маросим вилоят губернаторининг қароргоҳида бўлиб ўтди.*

Фахрий ёрлиқда ёзилганидек, ватандошимиз "Россия Федерациясининг Конституцияси, Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси ва Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги Европа Конвенцияси билан мустаҳкамлаб қўйилган инсон ва фуқаро ҳуқуқ ҳамда эркинликларини ҳимоя қилиш ишига қўшган улкан ҳиссаси учун" медаль билан тақдирланди.

Мазкур медаль Челябинск вилоятидаги Инсон ҳуқуқлари бўйича вакил томонидан таъсис этилган бўлиб, ҳар йили жамият учун муҳим ишларни амалга оширган ва оғир турмуш шароитларига тушиб қолганларга кўмаклашган шахсларга топширилади.

Хўш, юртдошимиз қайси хизмати учун бундай эътирофга муносиб кўрилди? Гап шундаки, 2018 йилнинг 31 декабрь куни Магнитогорск шаҳридаги тураржой биносида юз берган портлаш оқибатида жароҳатланганларга зудлик билан ёрдам кўрсатиш керак эди ва унда айнан ватандошимиз қаҳрамонлик кўрсатди. Оламафруз Фавқулодда вазиятлар вазирлигининг қутқарувчилари етиб келгунига қадар саккиз кишининг вайроналар остидан чиқишига ёрдамлашди.

Ўзбекистоннинг Екатеринбург шаҳридаги Бош консулхонаси (Урал федерал округи) маълумотларига кўра, ўзининг мардонавор иши учун Оламафруз Абдуллаев Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазири номидан ҳам қимматбаҳо совға ва Бош консулхонанинг фахрий ёрлиғини қабул қилиб олди.

**О. ЛУТФУЛЛАЕВ**
**(«Халқ сўзи») тайёрлади.**

ЭЪЛОН

# «Ўзбекэнерго» АЖ

**тизим корхоналаридаги соҳага тегишли бўлмаган ва фойдаланилмаётган, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 29 июндаги 443-сонли қарорига биноан сотувга қўйилаётган объектларни харид қилиш учун очиқ савдога таклиф этади.**

| № | Сотувга қўйилган объект номи | Объектнинг жойлашган манзили | Қайси корхона балансида | Сотувга қўйиш | | Алоқа учун телефон рақами |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | | Савдо ташкилотчисининг номи | Сотувга қўйилган объектнинг баҳоси (минг сўм) | |
| 1 | 2 | 3 | 4 | 5 | 6 | 7 |
| | | | **Тошкент вилояти** | | | |
| 1. | Таъмирлаш-механика базаси ва механизмлар туриши учун бостирма | Тошкент вилояти, Оҳангарон тумани, «Қорахитой» ҚФЙ, «Ёнариқ» МФЙ | «Янги Ангрен ИЭС» АЖ | «Кўчмас мулк савдо хизмати» МЧЖ | 290 350,00 | 71-236-65-25 93-585-80-36 |
| 2. | Автоустахоналар ва машина таъмирлаш учун чуқури бўлган бостирма | Тошкент вилояти, Оҳангарон тумани, «Қорахитой» ҚФЙ, «Ёнариқ» МФЙ | «Янги Ангрен ИЭС» АЖ | «Кўчмас мулк савдо хизмати» МЧЖ | 250 735,00 | 71-236-65-25 93-585-80-37 |
| 3. | Таъмирлаш-механика устахонаси | Тошкент вилояти, Оҳангарон тумани, «Қорахитой» ҚФЙ, «Ёнариқ» МФЙ | «Янги Ангрен ИЭС» АЖ | «Кўчмас мулк савдо хизмати» МЧЖ | 303 454,00 | 71-236-65-25 93-585-80-38 |
| 4. | Омборхона бинолари, электр цехи устахонаси | Тошкент вилояти, Оҳангарон тумани, «Қорахитой» ҚФЙ, «Ёнариқ» МФЙ | «Янги Ангрен ИЭС» АЖ | «Кўчмас мулк савдо хизмати» МЧЖ | 159 306,00 | 71-236-65-25 93-585-80-39 |
| 5. | Опалубка устахонаси | Тошкент вилояти, Оҳангарон тумани, «Қорахитой» ҚФЙ, «Ёнариқ» МФЙ | «Янги Ангрен ИЭС» АЖ | «Кўчмас мулк савдо хизмати» МЧЖ | 149 640,00 | 71-236-65-25 93-585-80-40 |
| 6. | Маиший хоналар, ишлаб чиқариш биноси ва механизмлар учун бостирма | Тошкент вилояти, Оҳангарон тумани, «Қорахитой» ҚФЙ, «Ёнариқ» МФЙ | «Янги Ангрен ИЭС» АЖ | «Кўчмас мулк савдо хизмати» МЧЖ | 281 792,00 | 71-236-65-25 93-585-80-41 |
| 7. | Компрессор-кислородли устахона | Тошкент вилояти, Оҳангарон тумани, «Қорахитой» ҚФЙ, «Ёнариқ» МФЙ | «Янги Ангрен ИЭС» АЖ | «Кўчмас мулк савдо хизмати» МЧЖ | 263 290,00 | 71-236-65-25 93-585-80-42 |
| 8. | Қурилиш бошқармасининг маъмурий биноси | Тошкент вилояти, Оҳангарон тумани, «Қорахитой» ҚФЙ, «Ёнариқ» МФЙ | «Янги Ангрен ИЭС» АЖ | «Кўчмас мулк савдо хизмати» МЧЖ | 424 883,00 | 71-236-65-25 93-585-80-43 |
| 9. | Туман алоқа тармоғи биноси | Тошкент вилояти, Оҳангарон тумани, Нуробод қ. | «Янги Ангрен ИЭС» АЖ | «Кўчмас мулк савдо хизмати» МЧЖ | 1 129 223,00 | 71-236-65-25 93-585-80-44 |
| 10. | Музқаймоқ кафеси ва жамғарма кассалар | Тошкент вилояти, Оҳангарон тумани, Нуробод қ. | «Янги Ангрен ИЭС» АЖ | «Кўчмас мулк савдо хизмати» МЧЖ | 576 926,00 | 71-236-65-25 93-585-80-45 |
| 11. | 76-сонли мактабгача таълим муассасаси биноси | Тошкент вилояти, Оҳангарон тумани, Нуробод қ. | «Янги Ангрен ИЭС» АЖ | «Кўчмас мулк савдо хизмати» МЧЖ | 649 435,00 | 71-236-65-25 93-585-80-46 |
| 12. | 74-сонли мактабгача таълим муассасаси биноси | Тошкент вилояти, Оҳангарон тумани, Нуробод қ. | «Янги Ангрен ИЭС» АЖ | «Кўчмас мулк савдо хизмати» МЧЖ | 601 387,00 | 71-236-65-25 93-585-80-47 |
| 13. | 34 хонадонли 2-сонли кўп қаватли уй | Тошкент вилояти, Оҳангарон тумани, Нуробод қ. | «Янги Ангрен ИЭС» АЖ | «Кўчмас мулк савдо хизмати» МЧЖ | 2 648 840,00 | 71-236-65-25 93-585-80-48 |
| 14. | Изоляция ва ўров материаллари омбори | Тошкент вилояти, Оҳангарон тумани, Нуробод қ. | «Янги Ангрен ИЭС» АЖ | «Кўчмас мулк савдо хизмати» МЧЖ | 108 085,00 | 71-236-65-25 93-585-80-49 |
| 15. | 2 қаватли бино | Тошкент вилояти, Янгийўл тумани, «Қўшёғоч» ҚФЙ | «Тошкент ҲЭТК» АЖ | «BEST REALTOR» МЧЖ | 251 953,00 | 71-150-26-47 71-236-68-47 |
| | | | **Наманган вилояти** | | | |
| 16. | 11-А ГЭС биноси | Наманган вилояти, Наманган ш., Соли Адашев кўчаси | «Наманган ҲЭТК» АЖ | «Elite Realtor Savdo» МЧЖ | 36 266,15 | 69-228-76-19 69-228-75-80 |
| | | | **Сирдарё вилояти** | | | |
| 17. | «Фитнес маркази» спорт мажмуаси | Сирдарё вилояти, Ширин ш., Халқлар дўстлиги к. | «Сирдарё ИЭС» АЖ | «Кўчмас мулк савдо хизмати» МЧЖ | 1 940 320,0 | 67-764-59-43 |
| 18. | 1-омбор биноси | Сирдарё вилояти, Ширин ш., Мирзо Улуғбек маҳалласи | «Сирдарё ИЭС» АЖ | «Кўчмас мулк савдо хизмати» МЧЖ | 231 790,0 | 67-764-59-44 |
| 19. | 2-омбор биноси | Сирдарё вилояти, Ширин ш., Мирзо Улуғбек маҳалласи | «Сирдарё ИЭС» АЖ | «Кўчмас мулк савдо хизмати» МЧЖ | 173 540,0 | 67-764-59-45 |
| 20. | Маъмурий бино | Сирдарё вилояти, Ширин ш., Мирзо Улуғбек маҳалласи | «Сирдарё ИЭС» АЖ | «Кўчмас мулк савдо хизмати» МЧЖ | 29 600,0 | 67-764-59-46 |
| 21. | 1-саноат зонаси омбори | Сирдарё вилояти, Ширин ш., Мирзо Улуғбек маҳалласи | «Сирдарё ИЭС» АЖ | «Кўчмас мулк савдо хизмати» МЧЖ | 447 110,0 | 67-764-59-47 |
| 22. | 2-саноат зонаси омбори | Сирдарё вилояти, Ширин ш., Мирзо Улуғбек маҳалласи | «Сирдарё ИЭС» АЖ | «Кўчмас мулк савдо хизмати» МЧЖ | 271 460,0 | 67-764-59-48 |
| 23. | Қурилиши тугалланмаган тураржой | Сирдарё вилояти, Ширин ш., Амир Темур кўчаси | «Сирдарё ҲЭТК» АЖ | «Кўчмас мулк савдо хизмати» МЧЖ | 93 470,0 | 67-225-10-30 67-225-21-12 |
| 24. | Усталар уйи биноси | Сирдарё вилояти, Ховос тумани | «Сирдарё ҲЭТК» АЖ | «Кўчмас мулк савдо хизмати» МЧЖ | 131 300,0 | 67-225-10-30 67-225-21-13 |
| 25. | 4-сонли ошхона | Сирдарё вилояти, Ширин ш., Мирзо Улуғбек маҳалласи | «Савдоэнерго» АЖ | «Кўчмас мулк савдо хизмати» МЧЖ | 322 334,0 | 71-248-35-07 |
| | | | **Қашқадарё вилояти** | | | |
| 26. | 100 ўринли чойхона ва тикув цехи | Қашқадарё вилояти, Нишон тумани, Нуристон қ. | «Толимаржон ИЭС» УК | «NASAF RIELT SERVIS» МЧЖ | 691 862,82 | 75-512-57-10 75-512-57-02 |
| 27. | «Фарҳод» ёдгорлик мажмуасининг бино ва қурилмалари | Қашқадарё вилояти, Нишон тумани, Нуристон қ. | «Толимаржон ИЭС» УК | «NASAF RIELT SERVIS» МЧЖ | 544 171,72 | 75-512-57-10 75-512-57-02 |
| 28. | 2 хонадонли тураржой | Қашқадарё вилояти, Қамаши тумани, Чимқўрғон қишлоғи | «Қашқадарё ҲЭТК» АЖ | «Қарши кўчмас мулк-савдо» МЧЖ | 45 164,1 | 75-221-13-09 75-221-19-06 |
| 29. | Тураржой (1 қаватли, 4 хонали) | Қашқадарё вилояти, Шаҳрисабз тумани, Мироқи шаҳарчаси | «Қашқадарё ҲЭТК» АЖ | «Қарши кўчмас мулк-савдо» МЧЖ | 181 459,8 | 75-221-13-09 75-221-19-07 |
| 30. | Тураржой (1 қаватли, 4 хонали) | Қашқадарё вилояти, Шаҳрисабз тумани, Ж. Элбоев мавзеси, Дукчи қишлоғи | «Қашқадарё ҲЭТК» АЖ | «Қарши кўчмас мулк-савдо» МЧЖ | 344 079,1 | 75-221-13-09 75-221-19-08 |
| 31. | «Оқсув» гидроэлектростанцияси биноси | Қашқадарё вилояти, Шаҳрисабз тумани, Наврўз мавзеси, Улоч қишлоғи | «Қашқадарё ҲЭТК» АЖ | «Қарши кўчмас мулк-савдо» МЧЖ | 983 496,8 | 75-221-13-09 75-221-19-09 |
| 32. | Яшаш учун хизмат уйи биноси | Қашқадарё вилояти, Муборак ш., 2-микрорайон, 31\3-уй, 2-хонадон | «Муборак ИЭМ» АЖ | «Қарши кўчмас мулк-савдо» МЧЖ | 235 439,40 | 75-672-50-52 75-672-49-50 |
| | | | **Самарқанд вилояти** | | | |
| 33. | Энергетиклар бинолари (Тусунсой ОЭБ биноси) | Самарқанд вилояти, Пайариқ тумани, Тусунсой қишлоғи | «Самарқанд ҲЭТК» АЖ | «Кўчмас мулк савдо хизмати» МЧЖ | 51 675,0 | 66-237-76-98 |
| | | | **Жиззах вилояти** | | | |
| 34. | Тураржой | Жиззах вилояти, Зомин тумани, «Чилонзор» МФЙ, Қурама қ. | «Жиззах ҲЭТК» АЖ | «Koʻchmas mulk savdo xizmati» МЧЖ | 126 903,0 | 72-222-37-56 72-222-27-19 |
| 35. | ХРЭС ишлаб чиқариш базаси (қурилиши тугалланмаган) | Жиззах вилояти, Зарбдор тумани, «Ойбек» МФЙ, А. Набиев кўчаси | «Жиззах ҲЭТК» АЖ | «Koʻchmas mulk savdo xizmati» МЧЖ | 191 698,0 | 72-222-37-56 72-222-27-20 |
| 36. | Умумий овқатланиш бинолари (қурилиши тугалланмаган) | Жиззах вилояти, Жиззах ш., «Ҳ. Абдужабборов» МФЙ | «Жиззах ҲЭТК» АЖ | «Koʻchmas mulk savdo xizmati» МЧЖ | 156 482,0 | 72-222-37-56 72-222-27-21 |
| 37. | Тураржой (қурилиши тугалланмаган) | Жиззах вилояти, Фориш тумани, «Эгизбулоқ» МФЙ | «Жиззах ҲЭТК» АЖ | «Koʻchmas mulk savdo xizmati» МЧЖ | 70 658,0 | 72-222-37-56 72-222-27-22 |
| 38. | Сабзавот сақлаш учун совиткич биноси | Жиззах вилояти, Жиззах ш., «Наврўз» МФЙ, Садовая кўчаси | «Жиззах ҲЭТК» АЖ | «Koʻchmas mulk savdo xizmati» МЧЖ | 1 350 432,0 | 72-222-37-56 72-222-27-23. |

135R

# «Ўзбекэнерго» АЖ

## тизим корхоналаридаги соҳага тегишли бўлмаган ва фойдаланилмаётган, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 6 июлдаги 515-сонли қарорига биноан сотувга қўйилаётган объектларни харид қилиш учун очиқ савдога таклиф этади.

| № | Сотувга қўйилган объект номи | Объектнинг жойлашган манзили | Қайси корхона балансида | Сотувга қўйиш | | Алоқа учун телефон рақами |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | | Савдо ташкилотчисининг номи | Сотувга қўйилган объектнинг баҳоси (минг сўм) | |
| 1 | 2 | 3 | 4 | 5 | 6 | 7 |
| | **Қорақалпоғистон Республикаси** | | | | | |
| 1. | «Энергонаслсавдо» МЧЖ низом жамғармасидаги 100% улуш | Қорақалпоғистон Республикаси, Тахиатош тумани | «Тахиатош ИЭС» АЖ | «Агросаноат мулк маркази» МЧЖ | 5 287 270,6 | 61-572-26-54 |
| 2. | «Тахиатош ИЭС балиқ» МЧЖ низом жамғармасидаги 100% улуш | Қорақалпоғистон Республикаси, Тахиатош тумани | «Тахиатош ИЭС» АЖ | «Агросаноат мулк маркази» МЧЖ | 4 076 415,2 | 61-572-26-55 |
| 3. | «Хайриясавдоэнерго» МЧЖ низом жамғармасидаги 100% улуш | Қорақалпоғистон Республикаси, Тахиатош тумани | «Тахиатош ИЭС» АЖ | «Агросаноат мулк маркази» МЧЖ | 670 460,1 | 61-572-26-56 |
| | **Тошкент вилояти** | | | | | |
| 4. | «Чашма» дам олиш зонаси | Тошкент вилояти, Оҳангарон тумани, «Қорахитой» ҚФЙ, «Булоқ» МФЙ | «Янги Ангрен ИЭС» АЖ | «Kapital trust invest» МЧЖ | 2 096 979,0 | 71-236-65-25, 93-585-80-36. |
| 5. | Бино ва иншоотлар | Тошкент вилояти, Оҳангарон тумани, «Қорахитой» ҚФЙ, | «Янги Ангрен ИЭС» АЖ | «Kapital trust invest» МЧЖ | 126 443,8 | 71-236-65-25, 93-585-80-36. |
| 6. | Бино ва иншоотлар | Тошкент вилояти, Оҳангарон тумани, Ёнарик қ. | «Янги Ангрен ИЭС» АЖ | «Kapital trust invest» МЧЖ | 973 000,0 | 71-236-65-25, 93-585-80-36. |
| 7. | Омбор биноси | Тошкент вилояти, Оҳангарон тумани, Ёнарик қ. | «Янги Ангрен ИЭС» АЖ | «Kapital trust invest» МЧЖ | 2 506 202,3 | 71-236-65-25, 93-585-80-36. |
| 8. | «Энергоагротараққиёт» МЧЖ низом жамғармасидаги 100% улуш | Тошкент вилояти, Оҳангарон тумани | «Янги Ангрен ИЭС» АЖ | «Kapital trust invest» МЧЖ | 5 367 831,0 | 71-236-65-25, 93-585-80-36. |
| 9. | Оққўрғон РЭП бир қаватли биноси (собиқ меҳмонхона) | Тошкент вилояти, Оққўрғон тумани, «Олимкент қўрғони», Низомий кўчаси | «Тошкент ҲЭТК» АЖ | «Кўчмас мулк ва савдо хизмати» МЧЖ | 43 047,0 | 71-150-26-47, 71-236-68-47. |
| 10. | Дала-ҳовли биноси | Тошкент вилояти, Бўстонлиқ тумани, Сойлиқ қ. | «Тошкент ҲЭТК» АЖ | «Кўчмас мулк ва савдо хизмати» МЧЖ | 2 788 844,0 | 71-150-26-47, 71-236-68-48. |
| 11. | Ёрдамчи хўжаликлар | Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Оҳангарон тумани, Чирчиқ шаҳри, Бўка тумани, «Равот» СИУ | «Тошкент ҲЭТК» АЖ | «Кўчмас мулк ва савдо хизмати» МЧЖ | 9 296 733,00 | 71-150-26-47, 71-236-68-49. |
| 12. | Клуб биноси | Тошкент вилояти, Қибрай тумани, «Чинобод» ҚФЙ, «Бувра-ота» қўрғони | «Электртармоққурилиш» АЖ | «Capital trust invest» МЧЖ | 209 630,0 | 71-230-10-34 |
| | **Андижон вилояти** | | | | | |
| 13. | Ошхона биноси | Андижон вилояти, Қорасув ш., Дўстлик кўчаси | «Андижон ХЭТК» АЖ | «Савдо интеграл» МЧЖ | 181 056,9 | 74-223-49-08 |
| | **Қашқадарё вилояти** | | | | | |
| 14. | Бино ва иншоотлар | Қашқадарё вилояти, Нишон тумани, Нуристон п. | «Толимаржон ИЭС» УК | «Насаф риэлт сервис» МЧЖ | 180 567,1 | 75-512-57-10 75- 512-57-02. |
| 15. | «Чўл паррандаси» МЧЖ низом жамғармасидаги 100% улуш | Қашқадарё вилояти, Нишон тумани | «Толимаржон ИЭС» УК | «Насаф риэлт сервис» МЧЖ | 3 980 460,8 | 75-512-57-10 75-512-57-03. |
| 16. | «Яккабоғмева» МЧЖ низом жамғармасидаги 100% улуш | Қашқадарё вилояти, Яккабоғ тумани | «Толимаржон ИЭС» УК | «Насаф риэлт сервис» МЧЖ | 1 370 802,4 | 75-512-57-10 75-512-57-04. |
| 17. | «Йўлдошев Зиёвиддин Эгамбердиевич» МЧЖ низом жамғармасидаги 100% улуш | Қашқадарё вилояти, Яккабоғ тумани | «Толимаржон ИЭС» УК | «Насаф риэлт сервис» МЧЖ | 1 140 762,9 | 75-512-57-10 75-512-57-05. |
| 18. | «Киркчинор меваси» МЧЖ низом жамғармасидаги 100% улуш | Қашқадарё вилояти, Яккабоғ тумани | «Толимаржон ИЭС» УК | «Насаф риэлт сервис» МЧЖ | 1 475 370,8 | 75-512-57-10 75-512-57-06. |
| | **Наманган вилояти** | | | | | |
| 19. | Маъмурий бино | Наманган вилояти, Чуст тумани, Чустий кўчаси | «Наманган ҲЭТК» АЖ | «Элит Риэлтор Савдо» МЧЖ | 71 519,4 | 69-228-76-19 69- 228-75-80. |
| 20. | Маъмурий бино | Наманган вилояти, Чортоқ ш. «Алишер Навоий» МФЙ | «Наманган ҲЭТК» АЖ | «Элит Риэлтор Савдо» МЧЖ | 126 735,04 | 69-228-76-19 69- 228-75-81. |
| | **Сирдарё вилояти** | | | | | |
| 21. | «ЭнергоНаслЧорва» МЧЖ низом жамғармасидаги 100% улуш | Сирдарё вилояти, Ховос тумани, «Янгиер» СИУ | «Сирдарё ИЭС» АЖ | «Ko'chmas mulk savdo xizmati» МЧЖ | 27 757 262,2 | 67-764-59-43. |
| 22. | Маиший хизмат уйи биноси | Сирдарё вилояти, Оқолтин тумани, Сардоба ш., Кўркам диёр маҳалласи | «Сирдарё ҲЭТК» АЖ | «Ko'chmas mulk savdo xizmati» МЧЖ | 899 970,0 | 66-237-76-98. |
| 23. | Маиший хизмат уйи биноси | Сирдарё вилояти, Боёвут тумани, Дўстлик маҳалласи | «Сирдарё ҲЭТК» АЖ | «Ko'chmas mulk savdo xizmati» МЧЖ | 746 040,0 | 66-237-76-99. |
| 24. | Ёрдамчи хўжалик | Сирдарё вилояти, Боёвут тумани | «Сирдарё ҲЭТК» АЖ | «Ko'chmas mulk savdo xizmati» МЧЖ | 511 930,0 | 66-237-76-10. |
| | **Хоразм вилояти** | | | | | |
| 25. | Бино ва иншоотлар | Хоразм вилояти, Гурлан тумани, Гулистон ш. | «Хоразм ХЭТК» АЖ | «Ривож Риэлтор Замин» МЧЖ | 180 500,0 | 62-227-26-75. |
| 26. | Бино ва иншоотлар | Хоразм вилояти, Янгиариқ тумани, Мустақиллик кўчаси | «Хоразм ХЭТК» АЖ | «Ривож Риэлтор Замин» МЧЖ | 42 700,0 | 62-227-26-76 |
| 27. | Бино ва иншоотлар | Хоразм вилояти, Ҳазорасп тумани, Саноат қишлоғи, Боғдор маҳалласи | «Хоразм ХЭТК» АЖ | «Ривож Риэлтор Замин» МЧЖ | 211 000,0 | 62-227-26-77 |
| 28. | Дам олиш зонаси биноси | Хоразм вилояти, Хонқа тумани | «Хоразм ХЭТК» АЖ | «Ривож Риэлтор Замин» МЧЖ | 545 176,0 | 62-227-26-78 |
| 29. | Ёрдамчи хўжалик | Хоразм вилояти, Гурлан тумани | «Хоразм ХЭТК» АЖ | «Ривож Риэлтор Замин» МЧЖ | 6 508 000,0 | 62-227-26-79 |
| | **Жиззах вилояти** | | | | | |
| 30. | Ёрдамчи хўжаликлар | Жиззах вилояти, Арнасой тумани, Ғаллаорол тумани, Мирзачўл тумани | «Жиззах ХЭТК» АЖ | «Тошкент Риэлтор Сервис» МЧЖ | 1 315 076,0 | 72-222-37-56 72-222-27-19 |
| | **Сурхондарё вилояти** | | | | | |
| 31. | Ёрдамчи хўжаликлар | Сурхондарё вилояти, Олтинсой тумани, Термиз тумани | «Сурхондарё ХЭТК» АЖ | «Ko'chmas mulk savdo xizmati» МЧЖ | 80 365,3 | 76-24-27-73 |
| | **Тошкент шаҳри** | | | | | |
| 32. | Бино ва иншоотлар | Тошкент ш., Яшнобод тумани, Оҳанграбо ва Табассум кўчалари | «Электртармоққурилиш» АЖ | «Capital trust invest» МЧЖ | 6 522 204,5 | 71-230-10-35. |









АНИҚЛИК КИРИТАМИЗ:

Газетамизнинг шу йил 26 январь сони 1-саҳифасидаги “Хайрли ташаббуснинг ҳаётий ифодаси” сарлавҳали мақоланинг биринчи устун, пастдан 4-сатридаги “690 миллион сўм” жумласи “690 миллиард сўм” деб ўқилсин.

Ушбу жойда Сизнинг рекламангиз бўлиши мумкин эди!
«Халқ сўзи»даги Реклама — бизнесингизни қўллаб-қувватлайди!
Манзил: Тошкент ш., Матбуотчилар к., 32-уй. Тел.: 71-232-10-63, 71-232-11-15. E-mail: reklamaxs@mail.ru, reklama@xs.uz

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 256. 69 199 нусхада босилди, ҳажми — 3 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юклаб олиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

ISSN 2010-8788

ТЕЛЕФОНЛАР:
*Девонхона 71-233-52-55;*
*Котибият 71-233-10-28; Эълонлар 71-232-11-15.*

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор Ж. Тоғаев томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Навбатчи муҳаррир — О. Файзиев.
Навбатчи — Р. Шерқулов.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: “Буюк Турон” кўчаси, 41. ЎзА якуни — 22.50 Топширилди — 23.45 1 2 3 4 5 6